

3 СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

ХДП «бутун халқ партияси» бўлишдек мавхум даъволардан узил-кесил воз кечиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўз электорати сифатида белгилаб олди.

4 МУНОСАБАТ

Лев ВЕРШИНИН: «Марказий Осиёда экстремизм йўлига тўсик қўя оладиган ягона куч бу — дунёвий ҳокимиятдир».

5 ЖАРАЁН

Жамоатчилик фикри, одамларнинг кайфияти жамиятни ҳаракатлантирувчи, унинг ривожланиш йўлини белгилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

11 ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбек ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш мақсадида халқаро даражадаги 40 дан ортиқ кўргазмалар ташкил этилди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2006 йил 3 ноябрь № 7 (7)

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Марказий Осиё мамлакатларининг «Оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш» бўйича навбатдаги форуми иш бошлади. Ун йилдан буён давом этиб келаётган мазкур форум дастлаб 1996 йили ўтказилган эди.

Халқаро форум



Она-бола соғлиғи — бутун дунё бойлиғи

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

БУ йилги анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Соғлиқни сақлаш вазирлари ва вазир ўринбосарлари, ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис иштирок этди. Форум доирасида МДХ мамлакатларида оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, бу соҳада жамият ва давлат ролини кучайтириш, шунингдек мавжуд муаммоларни бартараф этиш имкониятлари юзасидан ҳисобот ҳамда маърузалар тингланди.

Форумнинг бугунги иш куни халқаро ҳамкорларнинг оналар ва болалар соғлиғини сақлаш борасидаги ўзаро тажриба алмашувларига бағишланади.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

27 октябрда қадимий ва навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллиғи ҳамда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиғи тантанали нишонланди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

30 октябрда Халқ таълими вазирлиғига қарашли ўқувчилар саройида 2007-2008 ўқув йили учун нашр этилиши режалаштирилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг кўргазма ярмаркаси очилди.

1 ноябрь куни Ўзбекистон бўйлаб кенг нишонланган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиғи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурадан қутлов мактуби келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

2 ноябрда Хоразмда Маъмун академиясининг 1000 йиллиғи тантанали равишда нишонланди. Байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

ЮНИСЕФнинг (БМТ болалар жамғармаси) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис хоним раҳбарлигидаги делегация 1 ноябрь куни республикамизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлди.

Тўртинчи ҳокимият

ВОДИЙДА ЖУРНАЛИСТИК МАҲОРАТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан бизга маълум қилишларича, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бирлашган тахриратини негизда Журналистик маҳорат маркази очилди.

Муниса НУРМАТОВА

МАЗКУР ўқув марказининг асосий мақсади — босма оммавий ахборот воситалари учун журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, вилоятдаги оммавий ахборот воситалари журналистлари

орасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, республика ва хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборат.

Ўқув маркази очилишида Жамоат фонди ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг шаҳар ва туман матбуот нашрлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар, бугунги кунда республика оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири — журналист кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, касбий маҳоратини ошириш эканлигини қайд этдилар. Хусусан, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бирлашган тахриратининг бош муҳаррири А.Даминов бундай марказнинг ташкил этилиши журналистлар касбий маҳоратини юксалиши, тахририят олдида турган вазифаларни амалга оширишдаги имкониятларни кенгайтириш ва матбуот нашрларининг оммавийлашишига ижобий таъсир этишини қайд этди.

Жамоат фонди ижрочи директори Ж.Ҳакимов вилоятдаги шаҳар, туман ва тармоқ босма оммавий ахборот воситаларида фаолият

кўрсатаётган журналистлар касбий маҳорат сирларини чуқур ўзлаштириб олишларига ёрдам бериши, ёш журналистларга эса журналистик маҳорат асосларини ўргатиш ва кейинчалик уларни республика олий ўқув юртлари журналистика факультетларида ўқишга кириши учун тайёрлаш, журналистлар учун Интернет тармоғидан ахборот олиш ва тўғлаш, жамоатчи мухбирлар доирасини кенгайтиришга кўмак беришга тайёрлигини билдирди.

Марказ муваффақиятли фаолият кўрсатса, Фонд унинг имконият ва вазифаларини янада кенгайтиришга кўмаклашиб, келгусида Фарғона ва Наманган вилоятлари журналист кадрларининг ўқиши учун ҳам шарт-шароитлар ярати бериш борасида фикр юритилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Тадбир

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), суд ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлари, давлат ҳокимияти бошқарув органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

МУСТАҚИЛЛИК йилларида Ўзбекистон Республикаси 190 дан ортқ кўптомонлама халқаро шартномаларга қўшилди ҳамда мингдан ортқ давлатлараро шартномалар имзоланди. Шу кунга қадар республикамиз халқаро майдонда ўз зиммасидаги мажбуриятларга риоя этиб, БМТ Низоми талабларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш амалиёти соҳада олиб борилаётган илмий фаолиятда илгарилаб кетганлиги, шу боис, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка қўллашга доир илмий-тадқиқот ишларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, конференция иштирокчилари имплементация институтининг долзарб назарий ва амалий муаммоларини таҳлил этиш, республикамиз томонидан халқаро шартномалар бажарилишининг таъшилий-ҳуқуқий механизми ва давлат ҳокимияти органларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш хусусида фикр билдирдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда ушбу соҳада Олий Мажлис палаталари, давлат бошқарув органлари ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари фаолияти учун муҳим аҳамият касб этувчи илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Давоми. Боши 1-саҳифада)
Янги Марказ раҳбари С.Шукуров тадбир иштирокчиларига бугунги кунда Андижон вилоятида 39 та газета ва битта журнал нашр этилиши, битта давлат ва иккита нодавлат телерадиокомпания фаолият кўрсатаётгани, битта хусусий FM радиостанцияси ишлаётгани, вилоят матбуотида журналистик маълумотга эга 230 киши фаолият кўрсатаётгани тўғрисида га-

ахборий материалларни излаш, тўплаш, баён этиш ва тарқатишда касбий, ҳуқуқий ва ахлоқ-одоб тамойиллари (кузатув эксперименти, журналистик текширув), матбуот социологияси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, бозор иқтисодиёти шароитларида босма оммавий ахборот воситаларилари фаолиятини ташкил этиш, тахририятларда янги технологиялардан фойдаланиш (интернет тармоғида ахборот қидириш,

ВОДИЙДА ЖУРНАЛИСТИК МАҲОРАТ МАРКАЗИ

пириб берди.

Ўқув марказининг очилиши нафақат Андижон вилояти, балки бутун Фарғона водийсида журналистик корпуснинг сифат ва ёш таркиби бўйича қатор муаммоларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан у биринчи қадамдир.



Тадбир иштирокчиларига марказнинг мақсад ва вазифалари, ўқув-амалий машғулотларнинг дастури тўғрисида атрофлича ахборот берилди. Ўқув дастурларига газета материаллари ва ахборотлар тайёрлашда ҳозирги замон талаблари, таҳлилий мақолаларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, журналистика тарихи ОАВнинг жамиятдаги роли, жанрлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари,

унинг устида ишлаш ва фойдаланиш, журналистлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун интернет-ресурслар) ва ҳоказолар киритилган.

Марказда матбуот нашрлари раҳбарлари ҳамда менежер ва техник-кўмаклашувчи ходимлар учун махсус курслар ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Ўқув якуни бўйича марказни тугатган тингловчиларга сертификат топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида таъсис этилган «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг 2006 йилдаги 3-сони нашрдан чиқди.

истиқдол гоёсининг, мафқуравий тарғиботнинг, гоёвий тарбиянинг тутган ўрни ва аҳамияти, долзарб масалаларнинг таҳлили баён этилган.

Маълумки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда юридик фанлар ўзига хос ўринга эга. Журналда чоп этилган «Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб назарий муаммолари» ҳамда

да»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрири мақсади, вазифалари, устувор ва аввалги қонундан фарқли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича давлатимиз томонидан тузилган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар билан мувофиқлиги шарҳлаб берилган. «Ислохотларнинг қонун-

«Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг босқичлари» мақоласида муаллиф ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларнинг давлатимиз Раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган стратегик дастур асосида халқимиз манфаатларига мос ҳолда изчил, узлуксиз амалга оширилаётганлиги, ҳар босқичда қўйилган вазифалар

ЖУРНАЛНИНГ ушбу сониде Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи муштарийлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Шунингдек, «Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат инсон ҳуқуқларини таъминлаб берувчи шартлардан бири сифатида» сарлавҳали мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича яратилган ҳуқуқий ва таъшилий шароитлар, институционал тузилмалар, мазкур соҳада эришилган ютуқлар, инсон ҳуқуқларининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ривожланишида тутган ўрни, айрим давлат органлари мансабдор шахсларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ҳуқуқий саводхонлиги талаб даражасида эмаслиги ва бундай камчиликларни тузатиш йўлида қилиниши лозим



бўлган ишлар хусусида фикр юритилган.

Журналдан ўрин олган «Жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг маънавий, ижтимоий ва фалсафий негизи» сарлавҳали мақолада эса фуқаролик жамиятини шакллантиришда халқимизнинг урф-одат, анъана ва менталитетига мос тадрижий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда миллий

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ- ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО- CIVIL SOCIETY»

«Юридик фанларни ривожлантириш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари» сарлавҳали мақолалар республикамизда юридик фанларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар, мазкур фанлар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар шакллари, ҳуқуқшунослик фани олдида турган муаммолар ва ҳозирги вақтда илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши зарур бўлган долзарб йўналишлар таҳлилий бағишланган.

Журналда, шунингдек, жорий йилда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғриси-

чилик базасини тизимлаштиришнинг айрим масалалари» сарлавҳали мақолада мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг босқичлари, қонунчилик тизимини янада самарали бўлиши билан боғлиқ вазифаларнинг турқумлари, қонунчиликни тизимлаштириш борасида давлат органларининг фаолиятини уйғунлаштириш масалалари, кодекс шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда пайдо бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилган.

ва устувор йўналишлар ҳақида маълумот берилган.

Мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг ҳар бир сони муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, демократик давлатда сиёсий партиялар ўзларининг дастурий ғоя ва мақсадлар йўлида кураш олиб боради. Бу курашларда ҳар бир партия ўз мафқурасини кенг оммага тушунтириб, тарғибот-ташвиқот қилиши табиий.

лан ҳамкорлик истиқболлари, фуқаролик жамиятининг назарий-ҳуқуқий асоси, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш ҳақидаги ма-

лантиришда, уларни интеграциялаш ва қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, Тошкент вилояти мисолида муаммолар ва уларнинг ечимида депутатларнинг ҳисса-



Гулжаҳон ЖАБОРОВА

ТАДБИРКОРЛАР ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида Тошкент вилояти депутатлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди ва унда бир қатор масалалар, жумладан, Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси ишлаб чиқаётган янги қонун лойиҳалари, банклардан кредит олишда учраётган муаммолар, фуқаролик жамияти институтлари роли ва ваколатларини кучайтиришда депутатлик гуруҳлари би-

салалар муҳокама этилди.

Шунингдек, тадбирда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг вази-фалари, ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини шакл-

си каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Сўз — ўткир қурол, деб бежиз айтилмайди. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожига халқ билан жамият ўртасида кўприк вазифасини ўтовчи оммавий ахбо-

рот воситалари ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Айниқса, партия нашрларининг бу борадаги қадамлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки демократик жараёнларни чуқурлаштириш-

да сиёсий партиялар ва уларнинг нашрлари зиммасига ўзига хос вазифа юклатилади.

Давра суҳбати иштирокчилари тадбир давомида ўзларини ўйлантираётган саволларга батафсил жавоб олдилар.

ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотининг 15 йиллиги кенг нишонланди.



ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ ИШ

Хусниддин БЕРДИЕВ

МАМЛАКАТИМИЗ сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлган мазкур сиёсий ташкилот бугунги кунда ўз фаолиятининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш босқичидадир. Хусусан, Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш партия сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлади, уларни партиянинг янги сиёсий мафқураси атрофида жипслаштирди. Партиянинг янги Дастури амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги амалий иштирокини кенгайтиришга қаратилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ушбу сана муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда партиядан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари иштирок этдилар. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Фуломов йиғилганларни табриқлар экан, ўтган йиллар партия ҳаётида ташкилий жиҳатдан жипслашиш, парламентда фракция ишининг дастлабки тажрибасини тўплаш, партия мафқураси ва ташкилий фаолиятининг барча томонларини чуқур ислох этиш даври бўлганлигини таъкидлади. ХДП «бунун халқ

партияси» бўлишдек, мавҳум даъволардан узил-кесил воз кечиб, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўз электорати сифатида белгилаб олди. Ўз сиёсий мафқурасини ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафқураси деб эълон қилди.

Ўзбекистон ХДПнинг 15 йиллиги муносабати билан вилоят, туман ва шаҳарларда ҳам тадбирлар ўтказилди. Партиянинг дастурий ғояларини кенг тарғиб этиш ва рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фаолларнинг ҳамда номлари Марказий кенгаш «Эҳтиром китоби»га киритилди ва фахрий ёриқлар билан тақдирландилар.

ҚАДРИЯТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда «Ҳомийлик — қадриятлардан қонунчилик нормалари сари» мавзусида давра суҳбати уюштирди.



УНДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳалла оқсоқоллари, шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳамда «Нуроний» жамғармаси фаоллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва депутатлар муҳокамасига киритилди.

Қонун лойиҳаси ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишининг асосларини белгилашга йўналтирилган. Унда давлат

ҳокимияти, бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шакллари, ҳомийлик фаолиятини кенг ёйиш ва ривожлантириш мақсадларида ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятлари белгиланган.

Давра суҳбатида янги қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни ҳамда иқтисодий-молиявий механизмни яратишга имкон бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, «Адолат» социал демократик партияси фракцияси ҳамда ҳукуматга қарши бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган «Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДАВРА суҳбатида таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда хорижий давлатларнинг, хусусан, Россия Федерацияси, Молдавия ва бошқа МДХ давлатларини шу соҳадаги қонунчилик тажрибалари ўрганилган. Бундан ташқари, МДХ давлатларининг «Меценатлик ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги намунавий

қонуни эътиборга олинган. Муҳокамада сўзга чиққанлар қонун лойиҳасида ҳали бир қатор камчиликлар мавжудлигини ва уларни бартараф этиш учун хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ҳомий ташкилотларнинг мақомини аниқловчи ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат

қилувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат комиссия тузиш лозимлигини таклиф қилишди.

Музоқораларга ва савол-жавобларга бой тарзда ўтган давра суҳбати сўнггида мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



ҚАМРОВИ КЕНГ ТАДБИРЛАР

Фидокорлар миллий демократик партия Марказий Кенгаши қошидаги «Фидокор аёл» ҳаракати барча жойларда республика хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган йирик анжуманлар ўтказмоқда.

Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА

ТАДБИРЛАР доирасида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий маданиятини оширишга қаратилган «Аёл ва сиёсат», «Аёл бахтли бўлса, жамият фаровон бўлади», «Жамият тараққийида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» мавзуларида илмий-амалий семи-

нарлар, «Оила ва жамият» рунки остида «Аёллар маънавияти фарзанд тарбиясининг муҳим омилдир», «Оила саховатлилик тарбияси ўчоғидир» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг имтиёзларини оширишга бағишланган учрашувлар, бўлажак оналар — қизларнинг соғлигини ях-

шилашга қаратилган «Соғлом онанда — соғлом авлод», «Репродуктив саломатлик ва соғлом оила яратиш» каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди.

Тадбирларда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, халқ таълими, вилоят, туман хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вакиллари, ИИБ ходимлари, ҳомийлик ташкилотлари мунтазам равишда қатнашиб келмоқдалар. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу тадбирларга кичик мактаб ёшидаги болалардан тортиб, аҳолининг юқори қатламларигача жалб қилинапти.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан Тошкентда «Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти асослари шаклланишида Исломи омили, анъана ва урф-одатларнинг роли ва аҳамияти» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтгани ва унда бир қатор хорижий мамлакат халқаро ташкилотларининг етакчи мутахассислари қатнашгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Ана шу халқаро анжуманда айтилган фикр ва мулоҳазаларни газетамизда мунтазам бериб боришни режлаштирганмиз. Қуйида Шарқий Европа ва МДХ институти таҳлилий бўлими раҳбари, тарих фанлари доктори Лев ВЕРШИНИНнинг айрим фикр мулоҳазалари билан танишасиз.

Холис МИРЗО

МУТАХАССИСНИНГ фикрича, диний экстремизм сиёсий ҳиззакилик, манманликдан келиб чиққан бидъатдир. У чегара билмайди ва Марказий Осиё унинг тарқалиш объектларидан бирига айланмоқда.

Минтақа мамлакатлари мустақиллики қўлга киритган илк йилларда омманинг турли соҳалардаги «романтик талаблар»га бўлган қизиқиши кучли бўлгани табиийдир. Устига-устак экстремистлар сиёсий мимикрия (ишора) санъатига эгадирлар. Улар ўзини «халқ манфаатлари учун курашчи» қилиб кўрсатиб, Фарбнинг расмиётчилик ва оммавий баёнотларга алоҳида эҳтиромидан усталик билан фойдаланадилар. Айни пайтда, либерализм классик атамаларини ишлатадиган интеллектуаллар орқасига яширинадилар. Бунда дунёвий «ғарбликлар» ақидапарастларга ҳақиқий рақиб бўлмайдилар. На ҳокимиятни мустақил қўлга олиш, на уни ушлаб қолишга улар қодир эмаслар. Зеро, минтақада уларнинг гояларини тушуниб етадиган кенг ижтимоий қатламлар йўқ.

Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ лозим: Марказий Осиёда экстремизм йўлига тўсиқ қўя оладиган ягона куч бу — дунёвий ҳокимиятдир. Фарб тақлиф этаётган қолипларга тўғри келмайдиган на «либерал», на «демократик» ҳокимият эмас, балки кенг қамровли ижтимоий эҳтиёжга жавобан пайдо бўлган оддий анъанавий ҳокимият. Ахир, давлатчилик бу минтақада собиқ иттифок вайронларидан пайдо бўлгани йўқ-ку! Бу ҳокимият тизими азалдан бор эди. Дунёвий ҳокимият диний ҳокимиятдан ҳамма устун турган, лекин унинг тавсияларини ҳисобга олиб борган. Ҳокимият анъаналари яшовчанлигини 1991 йил тасдиқлади. Минтақа республикалари суверен, мустақил давлатлар сифатида қарор топди.

Фарбий кадриятлар тизимининг изчил маддоҳлари, деб таъкидлади олим анжуманда. Ироқ ёки Афғонистонда «бир одам — бир

“ИСЛОМ ОМИЛИ” ВА ДУНЁВИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ АЛОҲИДА ВАЗИФАСИ



овоз» тамойилига асосан ўтказиладиган сайлов орқали демократия ва либерал-

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭКСТРЕМИЗМ ЙЎЛИГА ТЎСИҚ ҚЎЯ ОЛАДИГАН ЯГОНА КУЧ БУ — ДУНЁВИЙ ҲОКИМИЯТДИР.

лаштириш амалга ошишига ишонадилар. Бундай позиция эса ҳатто танқид қилишга ҳам арзимаиди. Бунга сабаб, тавсия берувчилар ҳақиқатни кўрмайдилар, ҳақиқат эса оддий: Марказий Осиё халқлари анъанавий маданиятида либерализм Фарб моделини амалга ошириш учун замин йўқ. Ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломи Каримов: «Шарқ жамоавийлик, патернализм, ижтимоий кадриятларга асосланган демократияни тан олади» деган эди. Бу сўзлар аниқ ва ўз вақтида айтилгани, шубҳасиз.

Албатта, Марказий Осиё

ми, радикаллар жарчиси бўлган «халқ иродаси» олдидан таслим бўлишга олиб келади. Аксинча, мамлакатга турли «хуқуқни ҳимоя қилиш» ташкилотларини йўлатмаслик ва фарзли «гуманитар» молиявий оқимларнинг пайини

кесиш, экстремистлар имкониятларини анча камайтиради. Бу мазкур минтақада жуда долзарб масаллардир. Зеро, бу минтақада «ҳамма бир занжир билан боғланган» — битта бўгин узилши «домино эффекти»ни келтириб чиқаради, яъни занжир бузилади. Фарбнинг таъкидларига келсак, амалиёт кўрсатишича, қатъий позицияга дуч келганда, у сушт санкциялар билан чекланиб, кейинчалик чекиншига мажбур бўлади.

ларни оқламайди. Қотил, агар у «Аллоҳ аскар» бўлса ҳам қотил сифатида, исёнчи — исёнчи сифатида жазоланиши лозим. Шахс хуқуқлари, токи у бошқа шахслар хуқуқига зид бўлмагунча муқаддасдир.

Марказий Осиёда азалдан дунёвий ҳокимиятнинг анъанавий таянчи сифатида тизимлар фаолият кўрсатган, — деб таъкидла-

ФУҚАРОЛАРНИ ҚОНУН БУЗУВЧИЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҲАҚИҚИЙ ТЕНГХУҚУҚЛИК АСОСИДА ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШГА ФАҚАТ ДУНЁВИЙ ҲОКИМИЯТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҚОДИРДИР.

ди олим. — Лекин сўнги йиллар таърибаси кўрсатишича, ҳозирги кўринишида улар доим ҳам қутилган самарани бермайди. Шунинг учун анъанавий тизим-

лар амалдаги етакчи, арбитр ва назоратчи атрофида қатъий жиқлашиб, бирлашишлари жуда зарурдир.

Келгусида армия, полиция ва махсус хизматлар кадрларини тайёрлаш концепциясини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, деб фикрини давом эттирди мутахассис. Унинг фикрича, алоҳида сара қисмларни шакллантириш лозим. Бу хизматларга жалб қилиниш аҳоли ўртасида катта шарҳ деб қаралиши лозим. Туркия ва Индонезиянинг ҳаммага маълум тарихий муваффақияти кўрсатишича: офицерлар корпусининг мамлакат келажаги учун масъулияни чуқур ҳис этиши амалдаги тузумни куч билан ўзгартиришга бўлган интилишларнинг яқини етарли қадамдир.

Лекин, бунинг ўзи камлик қилади. «Рангли инкилоблар» тадқиқотчилари қайд этишларича, МДХ мамлакатларида сиёсат (шунингдек, Мексикадаги воқеаларни ҳам эслайлик) менежментга айланган. Бир пайтлар М.Бебер «ҳокимият легитимлиги» деб атаган аҳолининг давлатга содиқлиги бугунги кунда технологик лойиҳалар жамламаси орқали яратилмоқда. Лекин муҳолифат ҳам бошқарув мурватларини қўлга олиб, қулай пайтда ҳокимият институтини делегитимлаш имкониятини берадиган услублар арсенали, таърибаларига эга. Шу муносабат билан ҳокимият олдида турган вазифалардан бири — бу сиёсий технологиялар кенг услубларини қўлга киритишдир. Одатдаги шакллардан фарқли ўларок, улар нафақат давлатнинг турли органлари орқали, балки янги институтлар — мафкуравий ва институционал янгиликларни ишлаб чиқишга қодир хайрия жамғармалари, таъсир марказлари ва жамоат ташкилотлари бирлашишида ҳам намоён бўлиши керак. Албатта, у ёки бу лойиҳаларни амалга оширишга хорижий ташкилотларни жалб этиш мумкин ва ҳатто зарур. Лекин бунда уларга шундай йўналиш бериш керакки, токи улар тушуниб олсин: ижтимоий-давлатчилик ривожланиш стратегияси ташқаридан мажбур қилиб берилиши мумкин эмас, иш натижалари эса фақат ташқи кучлар манфаатларига хизмат қилмаслиги лозим.

Шуни эсда тутиш лозимки, деди мутахассис пировардида, ҳозирги замон етакчилар авлодининг асосий вазифаси — «Янги Нидерландияни» қуриш эмас, балки ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлаб, унинг сиёсий йўлини қафолатлайдиган давомийликни таъминлашдир. Ҳаётнинг ўзи сунъий равишда ўйлаб чиқилган «икки стандартлик» тамойили ушбу минтақада «иш бермаслигини» исботлади.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жамоатчилик фикри, одамларнинг кайфияти жамиятни ҳаракатлантирувчи, унинг ривожланиш йўлини белгилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ бунга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда юртимизда бу соҳадаги энг кўзга кўринган институт — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳисобланади. Марказ раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Раёно УБАЙДУЛЛАЕВА билан суҳбатимиз шундай бошланди.

Хусниддин БЕРДИЕВ

— СУҲБАТИМИЗНИ Марказнинг фаолият йўналишлари, асосий мақсадларидан бошласак...

— Марказ Президентимиз И.А.Каримов фармони асосида ташкил этилганданоқ, мамлакат ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиши доирасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда уларни таҳлил қилиб боришга эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва жамият ривожланиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган долзарб муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳар бир давлат сиёсатида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати, ҳукумат фаолияти ҳамда юқори бошқарув органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида аҳолининг фикр ва қарашларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиб, умумлаштириб бориш муҳим ўрин тутди. Марказимиз

нинг жамоатчилик фикрини ўрганиш лойиҳаларининг асосини ҳам ана шу йўналишлар ташкил этади. Албатта, аҳолининг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, дунёқараши шаклланишининг омилларини тадқиқ қилиб бориш ҳам ишмиқнинг бевосита таркибий қисмидир.

Марказ шу кунгача 260 дан ортиқ кенг кўламли ва мақсадли социологик тадқиқотларни ўтказди. Улар-

МАРКАЗ ШУ КУНГАЧА 260 ДАН ОРТИҚ КЕНГ КЎЛАМЛИ ВА МАҚСАДЛИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИКОТЛАРНИ ЎТКАЗДИ. УЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛДИ.

да?

нинг асосий мақсади, жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилди.

— **Марказда ҳозир жамиятимиздаги қандай ижтимоий муаммоларни ўрганиш устида иш олиб борилаяпти. Қайси масалалар жамоатчилик эътиборини кўпроқ тортмоқ-**



— Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ижтимоий сўров ўтказган эдик. Унда Ўзбекистоннинг шу даврда босиб ўтган йўлини юртдошларимиз қандай баҳолаши, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳаларда олиб бораётган ислохотларга нисбатан муносабати ўрганилди. Сўровда иштирок этганларнинг 86 фоизи мустақиллик йилларида мам-

лакатимиз иқтисодий, молиявий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан юксалди, ўз ички муаммоларини мустақил тарзда ҳал этишга қодир бўлди, деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг 90 фоизи таъкидлайдики, айни пайтда мамлакатнинг муҳофафз қилиниши мустақил республика ҳавфсизлигини ишончли таъминлай олади. Одамларнинг кайфиятида босиқлик, хотиржамлик ва

кўтаринки руҳ мавжуд. Сўралганларнинг 89,7 фоизи ўз ҳаёт кечиришларидан тўлиқ ёки деярли тўлиқ қониқиб ҳосил қилишини билдирган.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг шу йил август ойида қабул қилинган «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан, халқимизга, айниқса, ёшларга миллий гоа асосларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу йўналишда ўтказилган сўровлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқимизнинг аксарият қисми миллий гоа ва миллий манфаатларимизни жуда яхши тушунадилар.

Тинчлик ва ҳавфсизлик, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга дахлдорлик, мавжуд муаммоларнинг ечими каби масалалар кейинги пайтда «Ижтимоий фикр» томонидан ўтказилган сўровларнинг асосий мавзуси бўлмоқда. Масалан, кўпчилик (83,3 фоиз) давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, бу йўлда юзага келадиган муаммолар ечимиде ўзини шахсан масъул, деб ҳисоблайди. Сўровнома иштирокчиларининг ҳар учтасидан кўпроги (36,9 фоизи) мавжуд муаммоларни ўзи ва оиласи билан мустақил тарзда, ўз имкониятлари даражасида енгиб ўтишига ишонади.

(Давоми 6-саҳифада)

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, у ёки бу кўринишдаги адабиёт, шеърият юзага келиб, мудом одамларни ёруғликка, эркинликка чорловчи унсурлари билан умргузаронлик қилишга етаклайди.

Камолиддин МИНГБОЕВ,
журналист

ОДАТДА, дунё микёсида адабиёт Фарб ва Шарққа бўлиб ўрганилади, ўқилади ва пиروвардида, шу адабиётнинг бирига одам ихлос қўяди. Яқинда ҳамкасбларимдан бири мулоҳаза қилди.

— Адабиёт ҳам, санъат ҳам Европада дебман, аниқроғи, шу даъволарга учибману натижада ёлғизланиб қолибман, — деди афсус билан.

Дарҳақиқат, нафақат Фарб адабиёти, балки қадимги хитой, шу даъволарнинг асарларидан ҳам ёлғизлик «ҳиди» уфуриб ту-

ради. Бинобарин, бу мамлакатлар халқлари ҳаётида ёлғизлик айб саналмайди, балки ўзига хос идеаллик касб этади.

Бироқ, ўзбек бўлиб яшаш, умргузаронлик қилиш учун ҳеч қачон ўз қадриятларини унутмаслик ва доимо шу асрий қадриятлар замирига моҳиятан талпиниб, амалда ҳаётга татбиқ этиб яшаш керак бўлади. Негаки, биз — ўзбекларнинг қадим шеъриятида ёлғизликка интилиб яшаш тараннум этилмаган. Ана шундан кўриниб турибдики, биз аввал ҳам, ҳозир ҳам ва келгусида ҳам жамоа бўлиб, жамоатга интилиб яшаймиз.

Тақдир тақозосига кўра, бизда ҳам ёлғиз яшаб келаётган кишилар топилади. Бироқ шуни айтиш мумкинки, биздаги бу ёлғизлик бошқа юртлардаги ёлғиз кишилар тақдиридан мутлақо фарқ қилади. Аввало, биздаги ёлғиз кимсанинг хешу ақрабоси, кўшниси ва қолаверса, энг асосийси — маҳалласи бор. Эртаю кеч

унинг аҳолидан хабар олиб турадилар.

«Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим», дейди Мирзо Бобур.

Маълумки, Бобурга шоирликдан ташқари ўн икки ёшидан бошлаб шохлик мансаб-қисмати ҳам ато этилган эди. Мана шундай шох ва шоир доим ҳамдам излайди. Ва унинг йўлида, не ажаб фидокорликлар, валломатликлар кўрсатади.

Ҳаттоки, ҳамдаму дўст-ёр учун тахти, мамлақати, ширин жонини ҳам беришга тайёрлигини унинг асарлари мутоаласидан баҳраманд бўлганлар яхши билишади. Миллатимизда азал-азалдан жамият бўлиб яшашига рағбат бор. Шу боис, қайсики, у хоҳ мунтоз, хоҳ бугунги кун ижодкори бўлсин, доимо латиф ва файзли мажлислар ичида болалиқданоқ кўзи қоталади. Оиласи ақилларининг рангин суҳбатларига ошно тутинади. Кейинроқ эса, ўша латиф, файзли мажлислар, рангин суҳбатлар ҳақида ху-

шўллик ва бахтиёрлик билан хотиралар, асарлар, мақолалар ёзади.

Бизда ҳар бир тадбир бамавсалаҳат амалга оширилган, у узун киш тунари сандал атрофида навоийхонлик, машрабхонлик, бедилхонун эртақхонликлар, қиссонхонликларда яққол кўринади. Тўй-ҳашамларда, ҳашарларда бўй чўзган бизнинг жамиятимиз.

Шу боис, халқимиз доимо жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилиб келади. Кишики, нимага эришмасин, у мансаб бўладими ёки муқофотми, бари-барисини шу жамият тан олсагина Халолдир!

Жамият ҳалоллик пойдевори асосида қурилган, демак жамият назаридан, нигоҳидан ҳеч бир нарса четда қолмайди. Баҳонинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам мана шу жамият беради. Киши шахс камолотиға етгунча ва ондан кейин ҳам шу жамият олдида ўзини бурчли, деб ҳисоблайди. Кейинги йилларда республикамизнинг

САОДАТ МАНЗИЛИ

Қадрият

*Қиш бўлдию бўлди барча тому тош қор,
Жамияти бор кишига бордур хуш қор.*

Заҳрирдин БОБУР

қай бир гўшасида бўлманг, бугунги ишбилармон, тадбиркорларимиз маҳалладаги ёлғизнамо кишиларни ҳомийликка олган, гоҳ кам таъминланган оилаларнинг жажжи болажонларига тоға, амаки бўлиб суннат тўйини ўтказган ва гоҳида мактаб қуриб берган... хуллас санай-версақ, гап кўп эди-ю, аммо жамият ҳақидаги фикримизни шу ўринга келиб мухта-сар қилдик. Сабаби, келгусида жамиятдаги ҳалоллик ҳақида сўз юритиш ниятида-миз. Зеро, шоиримиз Мирзо Бобур дейдиларки:

**Аҳбоб йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз...**

Дарҳақиқат, оламнинг барча гўзаллиги кишига жамияти билан татийди.

Бу пурҳикмат нақлнинг нечоғли ҳақлигини тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилган асл деҳқонгина тушунади.

Вақтнинг тизгини йўқ. Кўз очиб юмгунча кунлар ўтиб бораверади. Ана шу ўтаётган ҳар бир кунни ғанимат билиб, тинмай изланаётган, эл фаровонлигини деб яшаётган юртдошларимиз жуда ҳам кўп орамизда.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

МУСТАҚИЛЛИК-НИНГ илк йилларида дастлабки ишини фермер хўжалик ташкил этишдан бошлаган Андижон вилояти Марҳамат туманида жойлашган кўп тармоқли "Шухрат" фермер хўжалигининг асосий фаолияти деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдир. Шунингдек, хўжаликда фермерларга ва қишлоқ хўжалик корхоналарига транспорт хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш консерва заводи, гишт ва оҳак заводи, тухум етишти-

ЕРНИ БОҚСАНГ...

ер элни боқади



риш, аҳолига тегирмон, обжувоз, ҳамда газ, сув ва йўл қурилиши хизмати каби фаолият турлари йўлга қўйилган.

Фермер хўжалик эндигина ташкил этилганида Тожимирза Нуриев билан ишлаш астагини билдирганлар 6 нафар эди. Албатта, дастлаб катта бир иш бошлаш арафасида уларнинг юрагида ҳадик бўлгани табиий. Аммо сидқидилдан қилинган меҳнатлар ўз самарасини бера бошлади.

Тадбиркор ва фермерлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш мақсадида республика миёнада 1997 йил биринчи бор ўтказилган "Ташаббус" кўрик танловида қўлга киритилган олий соврин

ва Юртбошимиз фармони билан "Шухрат" медали берилиши Тожимирза Нуриевнинг меҳнатларини муносиб тақдирланиши эди.

Тиниб-тинчимас фермер шундай юксак ишончни оқлаш учун янада астойдил меҳнат қилди. Натижада "Шухрат" фермер хўжалиги кундан-кун ривожланиб борди. Биргина 2004 йилда хўжалик ялли тушуми 205 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бир йил ўтиб бу кўрсаткич 360 миллион сўмга етди. Қадамбақадам илдамлаб бораётган фермер хўжалик учун кейинги йиллар ҳам анча омадли келди. Республика Пахта банки орқали, қишлоқ хўжалик корхоналари тар-

қибини қайта тузиш агентлиги ҳамкорлигида Жаҳон тараққиёт банки ва хўжалик ўртасида инвестиция киритиш шартномаси тузишга эришилди. Бундан кўзланган мақсад, суткасига 10 тонна ўсимлик мойини ишлаб чиқаришга мўлжалланган мой заводи ва қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш эди. "Иш курулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деб бежиз айтилмайди. Йилнинг ярмига бормасдан янги техникалар ёрдами билан хўжалик маблағи 105 миллион сўмга етказилган бўлса, кўп ўтмай йилига 20 миллион пишиқ гишт, 7-8 минг тонна оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган гишт заводи ишга туширилди. Шунингдек чорвачилик тармоғида 5 тонна гишт, 100 тонна сут, 100000 дона тухум, 1,5 тонна асал маҳсулотлари олишга эришилганининг ўзиёқ хўжалик қай даражада тер туққанидан далолатдир. Бундан ташқари хўжалик ёрдами билан 2 та савдо дўкони, 1 та кушона, 3000 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган сабзавот омбори, 25



тонналик тарози, сартарошхона, сўзлашув маскани, спорт иншоотлари, компьютер маркази ишга туширилиши қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

"Шухрат" фермер хўжалиги ишчилари бу йил ҳам мардонавор меҳнат қилди, провардида 124 гектар экин майдонидан 30 центнердан ҳосил кўтариб давлатга 375 минг тонна пахта топшириб йиллик режани ортиги билан бажардилар.

Шунингдек, Асака-Марҳамат йўналишида 1450 метрлик юқори босимга чидамли газ қувурининг капитал таъмири, Гаргар қишлоғида

қурилган врачлик пунктини қуришда маблағ ва техника хизматлари, туман марказий кутубхонасини таъмирлаш ва янги китоб фонди билан бойитиш каби ҳомийлик ишлар ҳам хўжалик томонидан амалга оширилди.

Айниқса, ёшлар спортга катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ ёшлари хўжалик ҳудудидаги бокс спорт майдончасида мунтазам машғулот ўтказишади.

Бугун фермерлик йўлидан бориб, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олаётганларнинг толеи баланд. Буни жойларда амалга оширилаётган ободончилик ишларидан ҳам билиб олиш мумкин.

(Давоми.
Боши 5-саҳифада)

ТАЪКИДЛАШ лозимки, одамларнинг бугунги дунёқараши 10 йил олдинги қарашлардан мутлақо фарқ қилади. Юртдошларимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти юксалиб бораёпти. Мисол учун одамлар билан мунтазам ишлайдиган, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган институтлардан бири – сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти юзасидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам бунга тасдиқлайди.

– Хўш, бугунги кунда сиёсий партиялар фаолиятини халқимиз қандай баҳоламоқда?

– Сиёсий партиялар

фаолияти бевосита жамоатчилик назорати десак, хато бўлмайди. Мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий қилиниши сиёсий партиялар фаолиятини анча жонлантириб юборди.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, бу борада қарорлар қабул қилинишидаги таъсири ҳақида сўраганимизда, респондентларнинг 43,3 фоизи, албатта, таъсири бор дея таъкидладилар. Уларнинг 10,5 фоизи бу жараёнларда сиёсий партиялар кучли таъсир кўрсата олади, деб ҳисоблайдилар. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти юзасидан ўтказилган сўров ҳам деярли шундай натижани кўрсатди. Лекин сўралганлар

уларга ишонч билдиришдан олдин, албатта, унинг мақсад ва вазифалари билан қизиқишини айтдилар. «Сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги функциялари нималардан иборатлигини биласизми?» деган саволга иштирокчиларнинг 41,8 фоизи «ҳа» жавобини берганлар. Таҳлилларни аввалги ўтказилган сўровлар натижаларига қиёслайдиган бўлсак, бу бирмунча юқори натижадир.

– Марказининг хал-

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ – БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

қаро алоқалари қандай, бугунги кунда қайси хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда?

– Мамлакатимиз аҳолисининг фикрини ўрганишда алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш Марказ фаолиятининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда БМТнинг юрти-миздаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ТАСИС, Ф.Э.Берт, К.Аденауэр номидаги фондлар (Германия), ИФАИК

(Франция) каби халқаро ташкилотлар билан илмий ва ижодий алоқалар йўлга қўйилган.

Шунингдек, Марказимиз Умумроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Россия Фанлар академиясининг «Социологик тадқиқотлар» журнали билан ҳам ҳамкорлик ришталарини боғлаган. Келажакда ўзаро бир нечта муҳим тадқиқотларни ўтказишни режалаштирганмиз.

– **Сухбатимиз сўнггида «Жамият**

газетаси ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

– Газета номига муносиб равишда жамиятнинг ойнаси бўлишини хоҳлайман. Унинг илк сонларидаёқ ана шу мақсадга интилишни кўриб қувондим. Қолаверса, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази таҳририят билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёр. Нашрнинг барча ўқувчиларига соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайман.

ДУШАНБА, 6 НОЯБР

Table with TV channels and programs for Dushanba, Nov 6. Includes O'zbekiston, Toshkent, Sport-TV, Yoshlar, and 30-й канал.

Table with TV channels and programs for Dushanba, Nov 6. Includes TV-Markaz, Pervyy, Rossiya, and 30-й канал.

Table with TV channels and programs for Dushanba, Nov 6. Includes RTP Planeta, Eurosport, TNT, and Rambler.

Table with TV channels and programs for Dushanba, Nov 6. Includes STS, MTV-Russia, DTV-Viasat, and Russian Millionaire.

СЕШАНБА, 7 НОЯБР

Table with TV channels and programs for Seshanba, Nov 7. Includes O'zbekiston, Toshkent, Sport-TV, Yoshlar, and 30-й канал.

Table with TV channels and programs for Seshanba, Nov 7. Includes TV-Markaz, Pervyy, Rossiya, and 30-й канал.

Table with TV channels and programs for Seshanba, Nov 7. Includes RTP Planeta, Eurosport, TNT, and Rambler.

Table with TV channels and programs for Seshanba, Nov 7. Includes STS, MTV-Russia, DTV-Viasat, and Russian Millionaire.

16.20 Мировые хиты
17.00 Узбек навалари
18.00 Марказ NEWS (уб.)
18.15 Узбек навалари
19.00 Марказ NEWS (уб.)
19.15 Сервал «ЗА ВСЕ ТЕБЯ БЛАГОДАРИМ» 12-серия
20.15 Концерт Шахнозабонов
22.00 Индийское кино Худ. фильм «БОГОН»
00.50 Узбек навалари

23.45 Х/Ф «Зона смертельной опасности»
1.45 Х/Ф «Спуск»
3.40 Х/Ф «Узрар Каргера»
...
НТВ
5.15 Х/Ф «МАТРИЦА»
7.30 «САКЗИО БАХЕНОВА»
8.00, 10-00, 13:00, 16:00, 19:00 «СЕГОДНЯ»
8.15 Лотерея «ЗОЛОТОЙ КЛЮЧ»
8.45 «БЕЗ РЕЦЕПТА». Доктор Браун
9.20 «СМОТРИ»
10.20 «ГЛАВНАЯ ДОРОГА»
10.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
12.00 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
13.25 «ЮСОБО ОПАСЕН»
14.00 Т/С «МАРШ ТУРЕЦКОГО» 3-До 3.40
16.20 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
17.00 «СВОЯ ИГРА»
17.55 Т/С «ОПЕРА»
19.35 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР
20.00 «ПРОГРАММА МАКСИМУМ»
20.55 «НАКАЗАНИЕ»
21.30 «СТАДАТЕЛЬ»
22.00 «РЕАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА»
22.40 Х/Ф «КЛАССИК»
0.45 «МИКС-ФАЙТ М-1. БОИ БЕЗ ПРАВИЛ»
1.20 Х/Ф «КОМЕДИАНТЫ»
3.55 Т/С «МАРШ ТУРЕЦКОГО» 3-До 3.40

ТНТ
7.00 «Неизвестная планета»
7.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ»
БИЧ. Т/С
8.10 Тая сред обитания.
9.35 «Фигли-Мигли»
11.00 «МУЖСКАЯ РАБОТА». Х/Ф
13.05 Деньги на халяву
13.30 «Женская лига»
14.00 «Школа ремонта»
15.00 «Двое дети»
16.00 «Клуб бывших жен»
17.00, 21:00, 23:30 Реалити-шоу «Дом-2. Осень = Любовь»
18.00 «Нена спешит на помощь»
19.00 Такси.
19.30 «Дерева дураков»
20.00 «Необыскам, но факт»
22.00 Комеди Клуб.
1.30 «СЕМЕЙКА АДДАМС». Т/С

13.25 Х/Ф «Крах инженера Гарина»
14.45 «Комната смею»
15.30 «Кто в доме хозяин»
15.45 «Разночтения»
16.25 «Блеф-клуб»
17.25 «Фитиль»
18.15 «Варуц света»
19.55 «Музыкальные театры России»
20.35 «Матрица кино»
21.15 Т/С «Атаман»
22.20 «Честный детектив»
23.00 «Вокруг смеха»
0.25 Х/Ф «Сувенер для прокурора»
1.55 «Блеф-клуб»
2.35 Х/Ф «Крах инженера Гарина»
3.50 Т/С «Любовь моя»
4.45 «Разночтения»
5.15 Т/С «Атаман»
8.25 Х/Ф «Сувенер для прокурора»

12.30 «Вы - ирай!»
12.30 «Мир природы»
16.30 «Специально»
19.30 «Банзай»
20.00 «ТОП - гид» «Кипр»
20.30 «Железные доказательства 2»
22.30 Т/С «Путешествие к центру Земли»
23.30 «Секретный полигон»

8.00 Х/Ф «Девочка с Марса»
9.30 Мультфильм
14.00 Самый умный
16.00 Кино в деталях
17.00 Здравствуйте, я ваша няня!
18.30 Т/С «Кто в доме хозяин?»
19.30 Т/С «Моя прекрасная няня»
20.00 Х/Ф «Дети шпиона»
21.45 Свага Богу, ты приходи!
23.00 Х/Ф «Агент Коди Банкс»
1.00 Хорошие шутки
3.00 Х/Ф «Отпуск без конца»
4.20 Х/Ф «Формула Зеро»
5.55 Х/Ф «Образцовый ангел»

9.00 Т/С «Напргни извилины»
9.55 Для милых дам
10.25 Мультфильм
12.10 Х/Ф «Колхоз Интернет»
14.25 «Как угодил курицы. Галена Старовойтова»
15.30 Шокирующая документалистика
16.25 Х/Ф «Обсуждению не подлежит»
18.30 Самое смешное видео
19.00 Смешная реклама
19.55 Шоу рекордов Гиннеса
22.00 Х/Ф «Разрушенный город»
0.00 Т/С «С.С.1 Место преступления Лас-Вегас»
3.00 Х/Ф «Покорит»

ПЕРВЫЙ
6.00, 10:00, 18:00 Новости
6.35 «Тени и слезы»
7.00 Х/Ф «Иностранка»
8.20 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 «Сказка пастыря»
9.15 «Золотые»
10.10 «Саж»
10.30 «Фазенда»
11.05 «Доктор Курганов»
13.15 Бенефис Геннадия Ветрова
15.35 Х/Ф «Женская работа с риском для жизни»
18.15 «Дневник заповедной»
19.15 «Их разыскивает милиция»
19.50 «Большие гоним»
21.00 Время
21.20 «Звезды на льду»
23.25 «Высшая лига»
0.45 Европейский хоккейный тур
3.00 Х/Ф «Телевизор страсти»
5.05 Т/С «Мертвая зона»

РОССИЯ
6.00 «Доброе утро, Россия»
8.00, 11:00, 14:00, 17:00, 20:00 ВЕСИ.
8.20 «Военная программа» Александр Сладков.
8.45 «Утренняя почта»
9.20 «Суббота»
10.00 «Вокруг света»
11.20 «Сто к одному»
12.15 «Комната смею»
13.15 «Клуб сенаторов»
14.20 Х/Ф «Мисс миллионерша»
16.00 «Национальный интерес»
18.00 Место встречи»
19.30 «Честный детектив»
20.20 «Танцы со Звездами»
20.50 Х/Ф «Последний самурай»

ТВ-3
8.00 Российские мультфильмы
11.00 Х/Ф «КОТ ИЗ КОСМОСА»
13.00 Х/Ф «ДЬЯВОЛ И МАКС ДЕВЯТИ»
15.00 Т/С «КОМНАТА СМЕЮ»
15.30 «Медицинское обозрение»
15.50 Свет и тень.
16.00 Х/Ф «И. СВЯДЕТЕЛЬ»
18.00 Х/Ф «УТОПИЯ»
20.00 Киномания.
21.00 Х/Ф «ИКАССАТОР»
23.00 Х/Ф «МЕГАЛОДОН»
1.00 Т/С «ЧИСЛА»
2.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»
3.00 Х/Ф «ЭКСПЕРИМЕНТ «СКОРПИОН»»
5.15 Х/Ф «КОРОТКИЙ ФИЛЬМ ОБ УБИЙСТВЕ»

Евроспорт
12.30, 15:00 Футбол. 24 лучших клуба Европы
13.00 Пляжный волейбол
14.00 Горные лыжи
15.00, 18:00, 23:00 Теннис
17.00 Горные лыжи
21.00 Пуп
1.00 Кибоксынг

СПОРТ
6.55, 16:15, 19:55, 24:05 Футбол
9.00, 11:00, 13:45 Вести-спорт
9.15 «Золотые мгновения спорта»
11.10 «Леготис спорта»
11.45 Дзюда
13.00 Триатлон
13.55 Волейбол
15.45 «Точка отрыва»
17.25 Баскетбол
22.15 Гандбол

MTV-РОССИЯ
7.00 8.00 MTV пульт
11.00 10-ка Лучших
12.00 «Крутой учитель Онндзук»
13.00 Стоп Свето
13.30 Альбом Paris Hilton
14.00 Простая Свадьба
15.00 Поколение рэпа
16.00 News Block Weekly
18.30 Гид по стилю
19.00 Пощечий навывлет
18.00 «Штаст» Т/С
19.00 Таксу на прокачку
19.30 Хочу все снять!
20.00 12 забавных зрителей
22.00 Большой кинотеатр
23.00 «Мечты Алисы»
0.00 Субботняя дискотека

МУЗ-ТВ
4.00 Энергет
5.00 МУЗТВ хит-6.00 «Наше»
7.00 МУЗТВ хит-10.00 «Наше чарт»
11.00 «Zoom»
11.25 «Крутиши момент»
12.00 «Звезды за решеткой»
13.00 «Блондинка в шоколаде»
14.25 «Чемпионат мира»
15.00 «Ближе к звездам»
15.25 «Концерт»
18.05 Хит-парад «20»
19.25 Звезды зажигают
20.25 «Кино Премьеры»

ЯКШАНБА, 12 НОЯБРЬ
8.00-8.35 «Аборот»
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайбаси»
8.50 Т. «Яйла, Изла, Топ!»
2. «Афсонави мамалат». М/ф
11.00 «Саломатлик сирари»
11.20 «Ойла рихталари». Т/С
11.55 «Минг бир масхадат»
12.15 «Хажини бисотидан»
12.35 «Дил таронаси»
12.50 «Расмон» Б/ф
14.20 «Ассалом, Узбекистон!»
15.20 «Ватан хакикатлари»
16.20 «Ватан хакида хушимлар»
«Болалар сайбаси»
16.20 «Олтин тож»
16.55 «Хиддий уйин»
17.55 «Калпок»
18.25 «Оханлар огушида»
18.35 «Интеллектуал ринг»
19.20 «Дунё илми»
19.30 «Тахлиллома» (русча)
20.05 «50:50»
20.50 «Дунё илми»
21.00 «Тахлиллома»
21.50 «Кучка охидалар»
22.10 «Учкунчи дунё». Б/ф 2-курс

КУЛЬТУРА
9.10 Библийский сюжет
9.40 Х/Ф «Каждый вечер после работы»
10.55 «Кто в доме хозяин»
11.25 Х/Ф «Три золотых волоса»
12.55 Путешествия натуралиста
13.25 «Широким формат»
13.50 «Путешествия любви»
14.35 Х/Ф «Смертельный анекдот»
17.10 «Посвящение Надежде Обуховой»
18.00 Матри кино
18.40 «Блеф-клуб»
19.20 Ливия жезини
20.15 «Коммунистический дом 3»
21.00 Новости культуры
21.25 «Соло для часов с бомб»
20.20 «Танцы со Звездами»
20.50 Х/Ф «Последний самурай»

ТВ-3
8.00 Российские мультфильмы
11.00 Х/Ф «КОТ ИЗ КОСМОСА»
13.00 Х/Ф «ДЬЯВОЛ И МАКС ДЕВЯТИ»
15.00 Т/С «КОМНАТА СМЕЮ»
15.30 «Медицинское обозрение»
15.50 Свет и тень.
16.00 Х/Ф «И. СВЯДЕТЕЛЬ»
18.00 Х/Ф «УТОПИЯ»
20.00 Киномания.
21.00 Х/Ф «ИКАССАТОР»
23.00 Х/Ф «МЕГАЛОДОН»
1.00 Т/С «ЧИСЛА»
2.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»
3.00 Х/Ф «ЭКСПЕРИМЕНТ «СКОРПИОН»»
5.15 Х/Ф «КОРОТКИЙ ФИЛЬМ ОБ УБИЙСТВЕ»

Евроспорт
12.30, 15:00 Футбол. 24 лучших клуба Европы
13.00 Пляжный волейбол
14.00 Горные лыжи
15.00, 18:00, 23:00 Теннис
17.00 Горные лыжи
21.00 Пуп
1.00 Кибоксынг

СПОРТ
6.55, 16:15, 19:55, 24:05 Футбол
9.00, 11:00, 13:45 Вести-спорт
9.15 «Золотые мгновения спорта»
11.10 «Леготис спорта»
11.45 Дзюда
13.00 Триатлон
13.55 Волейбол
15.45 «Точка отрыва»
17.25 Баскетбол
22.15 Гандбол

MTV-РОССИЯ
7.00 8.00 MTV пульт
11.00 10-ка Лучших
12.00 «Крутой учитель Онндзук»
13.00 Стоп Свето
13.30 Альбом Paris Hilton
14.00 Простая Свадьба
15.00 Поколение рэпа
16.00 News Block Weekly
18.30 Гид по стилю
19.00 Пощечий навывлет
18.00 «Штаст» Т/С
19.00 Таксу на прокачку
19.30 Хочу все снять!
20.00 12 забавных зрителей
22.00 Большой кинотеатр
23.00 «Мечты Алисы»
0.00 Субботняя дискотека

МУЗ-ТВ
4.00 Энергет
5.00 МУЗТВ хит-6.00 «Наше»
7.00 МУЗТВ хит-10.00 «Наше чарт»
11.00 «Zoom»
11.25 «Крутиши момент»
12.00 «Звезды за решеткой»
13.00 «Блондинка в шоколаде»
14.25 «Чемпионат мира»
15.00 «Ближе к звездам»
15.25 «Концерт»
18.05 Хит-парад «20»
19.25 Звезды зажигают
20.25 «Кино Премьеры»

ТАФАККУР ЗИЁСИ
Давлат қандай вазифини бақаради? У жамиятини мустақхамлайдиған пұлат муратдир.
Фридрих НИШЦЕ

ЯКШАНБА, 12 НОЯБРЬ
8.00-8.35 «Аборот»
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайбаси»
8.50 Т. «Яйла, Изла, Топ!»
2. «Афсонави мамалат». М/ф
11.00 «Саломатлик сирари»
11.20 «Ойла рихталари». Т/С
11.55 «Минг бир масхадат»
12.15 «Хажини бисотидан»
12.35 «Дил таронаси»
12.50 «Расмон» Б/ф
14.20 «Ассалом, Узбекистон!»
15.20 «Ватан хакикатлари»
16.20 «Ватан хакида хушимлар»
«Болалар сайбаси»
16.20 «Олтин тож»
16.55 «Хиддий уйин»
17.55 «Калпок»
18.25 «Оханлар огушида»
18.35 «Интеллектуал ринг»
19.20 «Дунё илми»
19.30 «Тахлиллома» (русча)
20.05 «50:50»
20.50 «Дунё илми»
21.00 «Тахлиллома»
21.50 «Кучка охидалар»
22.10 «Учкунчи дунё». Б/ф 2-курс

КУЛЬТУРА
9.10 Библийский сюжет
9.40 Х/Ф «Каждый вечер после работы»
10.55 «Кто в доме хозяин»
11.25 Х/Ф «Три золотых волоса»
12.55 Путешествия натуралиста
13.25 «Широким формат»
13.50 «Путешествия любви»
14.35 Х/Ф «Смертельный анекдот»
17.10 «Посвящение Надежде Обуховой»
18.00 Матри кино
18.40 «Блеф-клуб»
19.20 Ливия жезини
20.15 «Коммунистический дом 3»
21.00 Новости культуры
21.25 «Соло для часов с бомб»
20.20 «Танцы со Звездами»
20.50 Х/Ф «Последний самурай»

ТВ-3
8.00 Российские мультфильмы
11.00 Х/Ф «КОТ ИЗ КОСМОСА»
13.00 Х/Ф «ДЬЯВОЛ И МАКС ДЕВЯТИ»
15.00 Т/С «КОМНАТА СМЕЮ»
15.30 «Медицинское обозрение»
15.50 Свет и тень.
16.00 Х/Ф «И. СВЯДЕТЕЛЬ»
18.00 Х/Ф «УТОПИЯ»
20.00 Киномания.
21.00 Х/Ф «ИКАССАТОР»
23.00 Х/Ф «МЕГАЛОДОН»
1.00 Т/С «ЧИСЛА»
2.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»
3.00 Х/Ф «ЭКСПЕРИМЕНТ «СКОРПИОН»»
5.15 Х/Ф «КОРОТКИЙ ФИЛЬМ ОБ УБИЙСТВЕ»

Евроспорт
12.30, 15:00 Футбол. 24 лучших клуба Европы
13.00 Пляжный волейбол
14.00 Горные лыжи
15.00, 18:00, 23:00 Теннис
17.00 Горные лыжи
21.00 Пуп
1.00 Кибоксынг

СПОРТ
6.55, 16:15, 19:55, 24:05 Футбол
9.00, 11:00, 13:45 Вести-спорт
9.15 «Золотые мгновения спорта»
11.10 «Леготис спорта»
11.45 Дзюда
13.00 Триатлон
13.55 Волейбол
15.45 «Точка отрыва»
17.25 Баскетбол
22.15 Гандбол

MTV-РОССИЯ
7.00 8.00 MTV пульт
11.00 10-ка Лучших
12.00 «Крутой учитель Онндзук»
13.00 Стоп Свето
13.30 Альбом Paris Hilton
14.00 Простая Свадьба
15.00 Поколение рэпа
16.00 News Block Weekly
18.30 Гид по стилю
19.00 Пощечий навывлет
18.00 «Штаст» Т/С
19.00 Таксу на прокачку
19.30 Хочу все снять!
20.00 12 забавных зрителей
22.00 Большой кинотеатр
23.00 «Мечты Алисы»
0.00 Субботняя дискотека

МУЗ-ТВ
4.00 Энергет
5.00 МУЗТВ хит-6.00 «Наше»
7.00 МУЗТВ хит-10.00 «Наше чарт»
11.00 «Zoom»
11.25 «Крутиши момент»
12.00 «Звезды за решеткой»
13.00 «Блондинка в шоколаде»
14.25 «Чемпионат мира»
15.00 «Ближе к звездам»
15.25 «Концерт»
18.05 Хит-парад «20»
19.25 Звезды зажигают
20.25 «Кино Премьеры»

ЯКШАНБА, 12 НОЯБРЬ
8.00-8.35 «Аборот»
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайбаси»
8.50 Т. «Яйла, Изла, Топ!»
2. «Афсонави мамалат». М/ф
11.00 «Саломатлик сирари»
11.20 «Ойла рихталари». Т/С
11.55 «Минг бир масхадат»
12.15 «Хажини бисотидан»
12.35 «Дил таронаси»
12.50 «Расмон» Б/ф
14.20 «Ассалом, Узбекистон!»
15.20 «Ватан хакикатлари»
16.20 «Ватан хакида хушимлар»
«Болалар сайбаси»
16.20 «Олтин тож»
16.55 «Хиддий уйин»
17.55 «Калпок»
18.25 «Оханлар огушида»
18.35 «Интеллектуал ринг»
19.20 «Дунё илми»
19.30 «Тахлиллома» (русча)
20.05 «50:50»
20.50 «Дунё илми»
21.00 «Тахлиллома»
21.50 «Кучка охидалар»
22.10 «Учкунчи дунё». Б/ф 2-курс

КУЛЬТУРА
9.10 Библийский сюжет
9.40 Х/Ф «Каждый вечер после работы»
10.55 «Кто в доме хозяин»
11.25 Х/Ф «Три золотых волоса»
12.55 Путешествия натуралиста
13.25 «Широким формат»
13.50 «Путешествия любви»
14.35 Х/Ф «Смертельный анекдот»
17.10 «Посвящение Надежде Обуховой»
18.00 Матри кино
18.40 «Блеф-клуб»
19.20 Ливия жезини
20.15 «Коммунистический дом 3»
21.00 Новости культуры
21.25 «Соло для часов с бомб»
20.20 «Танцы со Звездами»
20.50 Х/Ф «Последний самурай»

ТВ-3
8.00 Российские мультфильмы
11.00 Х/Ф «КОТ ИЗ КОСМОСА»
13.00 Х/Ф «ДЬЯВОЛ И МАКС ДЕВЯТИ»
15.00 Т/С «КОМНАТА СМЕЮ»
15.30 «Медицинское обозрение»
15.50 Свет и тень.
16.00 Х/Ф «И. СВЯДЕТЕЛЬ»
18.00 Х/Ф «УТОПИЯ»
20.00 Киномания.
21.00 Х/Ф «ИКАССАТОР»
23.00 Х/Ф «МЕГАЛОДОН»
1.00 Т/С «ЧИСЛА»
2.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»
3.00 Х/Ф «ЭКСПЕРИМЕНТ «СКОРПИОН»»
5.15 Х/Ф «КОРОТКИЙ ФИЛЬМ ОБ УБИЙСТВЕ»

Евроспорт
12.30, 15:00 Футбол. 24 лучших клуба Европы
13.00 Пляжный волейбол
14.00 Горные лыжи
15.00, 18:00, 23:00 Теннис
17.00 Горные лыжи
21.00 Пуп
1.00 Кибоксынг

СПОРТ
6.55, 16:15, 19:55, 24:05 Футбол
9.00, 11:00, 13:45 Вести-спорт
9.15 «Золотые мгновения спорта»
11.10 «Леготис спорта»
11.45 Дзюда
13.00 Триатлон
13.55 Волейбол
15.45 «Точка отрыва»
17.25 Баскетбол
22.15 Гандбол

MTV-РОССИЯ
7.00 8.00 MTV пульт
11.00 10-ка Лучших
12.00 «Крутой учитель Онндзук»
13.00 Стоп Свето
13.30 Альбом Paris Hilton
14.00 Простая Свадьба
15.00 Поколение рэпа
16.00 News Block Weekly
18.30 Гид по стилю
19.00 Пощечий навывлет
18.00 «Штаст» Т/С
19.00 Таксу на прокачку
19.30 Хочу все снять!
20.00 12 забавных зрителей
22.00 Большой кинотеатр
23.00 «Мечты Алисы»
0.00 Субботняя дискотека

МУЗ-ТВ
4.00 Энергет
5.00 МУЗТВ хит-6.00 «Наше»
7.00 МУЗТВ хит-10.00 «Наше чарт»
11.00 «Zoom»
11.25 «Крутиши момент»
12.00 «Звезды за решеткой»
13.00 «Блондинка в шоколаде»
14.25 «Чемпионат мира»
15.00 «Ближе к звездам»
15.25 «Концерт»
18.05 Хит-парад «20»
19.25 Звезды зажигают
20.25 «Кино Премьеры»

ТАФАККУР ЗИЁСИ
Инсон ўз мамлакатига уйи аниқ-равшан кўра олганидагина фойдали бўлиши мумкин.
Петр ЧААДАЕВ

Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш имконини берди, уни аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва иқтисодиётни тараққий эттиришда етакчи омил даражасига кўтарди. Бозор иқтисодиётининг объектив зарурати сифатида шаклланган кўп тармоқли инфратузилма бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликка қулай шарт-шароит яратиш билан бирга ўзи ҳам жадал ривожланмоқда.



қарувчилар махсулотларини ташки бозорларга чиқишини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хорижий сармоялар жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш ва ишбилармон-раҳбар мутахассислар, кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Ушбу мақсад ва вазифаларга таянган ҳолда биз ўтган икки йил давомида "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги, «Халқаро тижорат арбитраж суди тўғрисида»-ги қонун лойиҳалари ва 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларини муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқишда фаол иштирок этдик.

риш, хорижий сармоялар жалб қилиш ва экспортни ривожлантириш, фискал сиёсатни такомиллаштириш, банк-молия сектори ва бошқа турли масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Бу жараёнлардаги вазифаларни янада самарали амалга ошириш мақсадида, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг эксперт гуруҳлари ишларида мунтазам иштирок этиш билан бирга Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан яқин, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари олиб борилмоқда.

— Палатанинг халқаро

— МАЪЛУМКИ, Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси негизда ташкил этилди. Аввало, шунинг таъкидламоқчиманки, икки йил, бу қисқа муддат, лекин шу давр мобайнида катта ишларга замин яратилди. Мамлакатимизда хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётда унинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, шу аснода тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг янги сифат ва мазмундаги тизими шакллантирилди. Бугунги кунда Палата нафақат тадбиркорлик субъектларини сон жиҳатдан бирлаштиришга эришди, балки кўллаб ишбилармонларга соҳа тараққиёти сари интилишларида кўмакдош-маслаҳатчига айланди.

— Хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикамиздаги ривожланиш тенденцияси тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Хусусий секторнинг жадал ривожланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарликларни либераллаштириш, ҳисобот тизимини соддалаштириш, тўғридан-тўғри хорижий-хусусий инвестиция жалб этишни рағбатлантириш, лицензиялаш ва рухсатномалар берилиш тартибини ихчамлаштириш, асосий текширувларнинг олдини олиш, умуман, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолиятини таъминлашга қаратилган Фармон ва Қарорларнинг қабул қилиниши бизнес ривожини янги бошқичга олиб чиқди. Агар статистик маълумотларга назар ташласак, кўйидагиларнинг гувоҳи бўламиз:

2005 йилнинг 9 ойи мобайнида рўйхатдан ўтган жами юридик шахслар сони 349520 тани ташкил этиб, шундан кичик бизнес вакиллари 310543 та бўлган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида юридик шахсларнинг сони 418265 тага етди ва кичик бизнес вакил-

Тадбиркорга ҳамкор, ҳамфикр, кўмакчи



лари 378864 тани ташкил этди. Давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларнинг 94,2 фоизи хусусий мулкчиликка асослангани ҳамда ҳозирда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70 фоизга яқини ушбу секторда банд эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Республикаимизда аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг аҳамияти ва ўрни йилдан-йилга ошиб бораёпти. Хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат. Палата алоҳида ташкилот сифатида ишбилармонларнинг манфаатларини ёқлайди, кўллаб-қувватлайди ва шу билан бирга, аниқ мақсад сари бошлаб, уларнинг манфаатларини жаҳият манфаатларига уйғунлаштиради.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ СОНИ 418265 ТАГА ЕТДИ ВА КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ 378864 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ 94,2 ФОИЗИ ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИККА АСОСЛАНГАН. ҲОЗИРДА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИНГ 70 ФОИЗГА ЯҚИНИ УШБУ СЕКТОРДА БАНД.

сан, 2006 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида 274 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилдики, бу кўрсаткич 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга кўлди.

— Палатанинг асосий фаолият доирасини қандай йўналишлар ташкил этади?

— Ривожланган мамлакатлар тажрибасида булгани каби Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳам тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотдир.

дир. Бугунги кунда палатага 12 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари аъзо бўлишган. Уларнинг таркиби йирик банк ва сўғурта институтлари, лизинг компаниялари, уюшмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат. Палата алоҳида ташкилот сифатида ишбилармонларнинг манфаатларини ёқлайди, кўллаб-қувватлайди ва шу билан бирга, аниқ мақсад сари бошлаб, уларнинг манфаатларини жаҳият манфаатларига уйғунлаштиради.

Палатанинг асосий фаолият йўналишлари ҳам айнан тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чи-

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХАМ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БИРЛАШТИРУВЧИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТДИР.

нинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чи-

мида тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юри-

ЎЗБЕК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШКИ БОЗОРГА ЧИҚАРИШ МАҚСАДИДА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ 40 ДАН ОРТИҚ КЎРГАЗМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ, ДОИМИЙ АСОСДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ВА ЭКСПОРТЧИ-КОРХОНАЛАР МАЪЛУМОТЛАРИ ЯНГИЛАНИБ ТУРАДИГАН ЭЛЕКТРОН-САВДО МАЙДОНИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.

тишларига қулай шарт-шароит яратиш ва улар фаолиятига ноқонуний аралашувларни кескин қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган чора-тадбирлар ва вазифалар юзасида тушунтириш ишларини олиб бориш, бизнес вакиллари хуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича тадбиркорлар ва назорат қилувчи орган ходимлари иштирокида амалий семинарлар, давра суҳбатлари ўтказишга асосий эътиборини қаратмоқда.

Давлат идоралари, хусусий сектор ва халқаро ҳамжамият ўртасида доимий мулоқот ўрнатиш мақсадида Бизнес форум ташкил этилди. Унинг доирасида иқтисодий ислохотларнинг турли йўналишлари бўйича махсус комиссиялар фаолият юритмоқда. Улар тадбиркорликни ривожлантириш, фонд бозорини фаоллашти-

ҳамкорлик алоқалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Қисқа вақт ичида ўзбекистонлик тадбиркорлар ва дунёнинг 30 мамлакатидан 600 дан ортиқ компаниялар иштирокида 48 та кооперацион биржа ўтказилди. Кооперацион биржани ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболларини муҳокама қилиш ҳамда тадбир қатнашчилари ҳисобланган ишбилармон доира вакиллари ва юртимиз тадбиркорларига томонларнинг тегишли соҳадаги салоҳияти билан яқиндан танишиш, шу билан бирга ишбилармонлик музокараларини олиб бориш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қулай муҳит яратишдир.

Ўзбек ишлаб чиқарувчилари махсулотларини ташки бозорга чиқариш мақсадида халқаро даражадаги 40 дан ортиқ кўргазмалар ташкил этилди, доимий асосда фаолият юритувчи ва экспортчи-корхоналар маълумотлари янгиланиб турадиган электрон-савдо майдони шакллантирилди. Шунингдек, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг Германия, Польша, Малайзия, Россия, Хитой ва бошқа қатор мамлакатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда иштироки таъминланди.

Ўтган давр мобайнида Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Греция, Исроил, Эрон, Италия, Люксембург, Хитой, Корея, Россия, Туркия, Франция, Япония ва бошқа давлатлар Савдо-саноат палаталари, халқаро ташкилот ва уюшмалари билан 42 та ҳамкорлик битимлари имзоланди.

(Давоми 12-саҳифада)

Тошкент-Уш магистрали бўйлаб Ангрена кириб борсангиз, ўнг томонда рамзий дарвоза пештоқидаги «Гурум маҳалласи» деб ёзилган лавҳа эътиборингизни тортади.

Гулжаҳон ЖАБОРОВА

ДУКЕНТСОЙНИНГ ўнг қирғоғида, азим тоғлар этағида қад ростлаган бу маҳалла қурувчилар, қончилар, қимёгарлар шахри Ангрени билан басма-бас шакланган. Ҳозир бу ердаги 343 хонадонда 470 оила истиқо-

қисмига маҳалла идорасини жойлаштирдик. Кенг ва ёруғ хоналарда одамларни қабул қилиш, фаоллар, маслаҳатчиларнинг йиғилишини, турли учрашув ва суҳбатларни уюштириш имкони яратилди.

Шу тариқа «Маҳалла гузари» шакллана бошлади. Янги бино-

қўшимча ишчи ўринлари яратаяпти. Инсонда хоҳиш-истак бўлса, ҳамма нарсага имкон топар экан. Шаҳар четидаги собиқ шохбекат ташландиқ ҳолатга келиб қолган эди. Шу бинони таъмирлаб, реконструкция қилиб, шинам тўйхона барпо этдик. Ҳозир илгариги хароба ўрнида кунига тўйю томоша, карнай-сурнай овозини эшитасиз.

Маҳалла ахлининг айтишича, «Ангрени-ленд» корхонаси ўтқир юқумли касалликлар шифохона-

МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

мат қилади. Маҳалла аҳли, асосан, шаҳарнинг sanoat қорхоналари, қурилиш ташкилотлари, тадбиркорлик соҳаларида ишлайди.

— Маҳалламиздаги, бир бино кўпдан буён ўз холига ташлаб қўйилганди, — дейди диний маърифат ва маънавий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Ойсулов Абдунаматов. — Оқсоқолимиз шаҳар ҳокимлигига, бошқа идораларга мурожаат қилиб, чала қолган бинони маҳалла қарамоғига ўтказишга эришди. Кўплашиб чала ишларни битирдик. Унта шинам хона пайдо бўлди. Уларнинг бир

нинг бошқа хоналарида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, «Халқ банки» филиали, саргарошхона, озиқ-овқат дўконлари очилди. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ёрдамида кексалар ва ногиронларга бепул дори-дармон тарқатилаяпти.

— Юртга, халққа хизмат қилишдан улугроқ иш борми дунёда? — дейди хусусий тадбиркор, Ангрени шаҳар Кенгаши депутати Абдуқодир Бегматов. — Халқаро йўл ёқасида жойлашган корхонамиз — «Ангрени-ленд» хизмат доирасини кенгайтириб,

сини таъмирлаш ва қайта жиҳозлашга маблағ ажратган. Корхона кўмағида кўп болали она — Мавжуда Уринова соғин сигирли бўлди.

Маҳаллада йирик қорхоналар ёрдамида хонадонларда касаначилик асосидаги ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гурум азалдан хунармандлари билан машхур бўлган. Бойматовлар, Қулматовлар, Бўрибоевлар каби сулолаларнинг рўмол тўқиш ва хунармандчиликнинг бошқа соҳаларидаги тажрибаларини маҳалла фаоллари бошқа хонадонларга ҳам кенг ёйишайтир.



ШАҲАР»МИ?

Географик номлар хилма-хил тарихий шароитлар ва тиллар тақомилининг маҳсулидир. Улар узоқ ўтмишда аҳолининг силжиши ва кўчиши, ўзаро мулоқотлари, элатлар яшаб ўтган ҳудудлар тўғрисида маълумот беради. Ўзбекистон жой номларида, айниқса, «тош» термини билан юртимиздаги топонимлар кўп учрайди. Вилоятларимиздаги Тошбулоқ, Тошлоқ, Оқтош шаҳарлари, Суфратош, Тошқўрғон, Дашқала (шевада, аслида — Тошқалъа) ва бошқа қишлоқлар, Тошкескансой, Тошқўприксой, Тошовут, Кузгунтош сойбулоқлар номлари бунинг далилидир.

Иброҳим КАРИМОВ

Диққат, эълон

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди

«Кичик грантлар танловини» эълон қилади

Фаолияти муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга молик вазифаларни бажаришда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтини ривожлантиришга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлари «Кичик грантлар танлови» доирасида қуйидаги соҳалар бўйича қўллаб-қувватланади:

ННТларнинг давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш (маҳалла) органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; ишга жойлаштириш ва янги иш жойлари ташкил этиш, касб-хунар ўргатиш; фермерлар ва қишлоқ жойларидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси.

Бериладиган грантларнинг етти катта миқдори — 5 млн. сўмгача.

Танловда Адлия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат миллий ассоциациясига (УзННТМА) аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этадилар.

Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотларни УзННТМА ва УзННТ қўллаб-қувватлаш фонди ёки www.ngo.uz манзилдаги интернет саҳифасидан олиш мумкин.

Ҳужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилиш 2006 йил 30 ноябрь соат 16.00 гача давом этади.

Саволлар пайдо бўлганда, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондида 133-18-54 рақамли телефон орқали ёки fundngo@rambler.ru электрон манзилига мурожаат қилиш мумкин.

Тадбиркорга ҳамкор, ҳамфикр, кўмакчи

(Давоми. Боши 11-саҳифада)

ШУНИНГДЕК, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси жаҳон ҳамжамиятининг интеграцион жараёнларини тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида Халқаро Савдо палатаси (ICC), Исломи Савдо-саноат палатаси (ISCI), Осиё-Тинч океан ҳудуди давлатлари Савдо-саноат палаталари Конфедерациясининг (CACCI) аъзоси ҳисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Палата Исломи тараққиёт банки, БМТ Тараққиёт дастури, Халқаро Савдо маркази, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ва иқтисодий институтлар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

— Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси шу йил 21 октябрда ўз ишини бошлаган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan AGROMINITECH EXPO - 2006» халқаро итиссоллаштирилган кўргазма-савдонинг асосий ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Тадбир тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ва доимий фаолият юритиши белгиланган ушбу кўргазма-савдо ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмасидир.


Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади. Ушбу тадбир давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик қорхоналарни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига замонавий ускуна ва технологияларни мунтазам жалб этиш ҳисобига еттиштирилган мева ва सबзавотлардан унумли фойдаланиш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги босқичдаги муҳим чора-тадбирлардан бири бўлди.

Кўргазмада дунёнинг 22 мамлакатидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи 200 га яқин етмакчи компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этади.

Шуни ишон билан айтиш мумкинки, ушбу тадбир қишлоқ жойларида бандлик муаммоларини ҳал қилиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистонни жаҳон бозорида ўз макенини мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА
суҳбатлашди.

КЎЧМАС МУЛК: ГАРОВНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Мамлакатимизда 2006 йил 4 октябрда “Ипотека тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ва ҳуқуқий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этди. Ипотека муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг янги босқичи унинг мукамал ҳуқуқий асоси яратилгани билан чамбарчас боғлиқдир. Кўчмас мулк гарови бозорини ҳуқуқий асосда ташкил этилиши товар-пул муносабатларида унинг муомаласини тезлаштириши баробарида субъектив ҳуқуқ эгаларининг тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан раванқ топтиришга ҳам замин яратади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Қонунни қабул қилиш зарурати, мақсад ва вазифалари

БОЗОР муносабатлари шароитида кўчмас мулк гаровининг аҳамиятини бир неча омиллар нуқтаи-назаридан изохлаш мумкин. **Биринчидан**, гаров нарсаи бўлиши мумкин бўлган ер участкаларига доир ҳуқуқларни фуқаролик муомаласига киритиш орқали мулкчилик муносабатларини ривожлантиришга имконият яратилади. **Иккинчидан**, бино ва иншоотлар ипотекаси орқали бозор муносабатларини янада жадаллаштириш учун кенг шароит вужудга келади. **Учинчидан**, хусусий мулкдорга тегишли корхонани ипотекага қўйиш баробарида тадбиркорлик субъектларининг мулкчи муносабатларида фаоллашув юз беради. **Тўртинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, доимий яшаш учун мўлжалланган якка тартибдаги ва кўп квартираларни уйлар ва квартираларни фуқаролик муомаласига киритиш орқали уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва иқтисодий раванги учун шароит яратилади. **Бешинчидан**, фуқаролар кўчмас мулк гарови шартномавий муносабат-

ларда иштирок этиш баробарида ўзларига уй қуриш учун кредит ёки аниқ мақсадли қарз олишга муваффақ бўлади. Бошқача айтганда, уй ва квартиралар ипотекаси фуқароларнинг уй-жой муаммосини ҳал қилишда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб ҳисобланади.

Ипотека кўчмас мулкка нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, мулкдорнинг мулкчи имкониятларини янада кенгайтиради, қолаверса уни самарали тасарруф этиш даромад ҳам олиб келади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари кўчмас мулк гаровидан фойдаланиши уларнинг тадбиркорлик фаолиятида моддий неъматларни кўпайтиришга ёрдам беради. Тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулкни гаровга қўйиш орқали ортттирган моддий неъматлари уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга, қолаверса, иқтисодийта улар қўшадиган ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Қонунни қабул қилишдан асосий кўзланган мақсад кўчмас мулк гарови, яъни ипотека қўлланилганда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборатдир. “Ипотека тўғрисида”ги қонун миллий ҳуқуқий тизимимизда рўй берган янгилик бўлиб, энг муҳим ҳаётий нормаларни мустаҳкамлаб

беради.

Мазкур қонун Х боб ва 69 моддадан иборатдир. Қонуннинг умумий қоидалар деб номланган қисмида қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, ипотеканинг вужудга келиш асослари,

**ИПОТЕКА
КЎЧМАС МУЛККА
НИСБАТАН ХУСУСИЙ МУЛК
ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА МУҲИМ
ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.**

ипотекага қўйвчи, ипотека билан таъминланадиган мажбурият, ипотека нарсаи, ипотека билан таъминланадиган талаблар, ипотека олувчининг қўшимча харажатларини ипотека билан таъминлаш, мол-мулкни ипотекага қўйиш ҳуқуқига оид нормалар мустаҳкамланган.

Ипотека нарсаи унинг энг муҳим шарт бўлиб ҳисобланади. Кўчмас мулк, шу жумладан, бинолар, иншоотлар, кўп квартиралар уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкки мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатлари-

да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаи бўлиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги қоидаларнинг қўллаш доирасига қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаётган қурилиши туралланмаган мол-мулк гаровига;

б) якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

в) агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

г) агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаи бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлар ипотека нарсаи бўлолмайди.

Бинобарин, “Ипотека тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилшича, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган, ипотекага қўйвчига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки шартномавий асосда тегишли бўлган мол-мулкка ипотека

белгиланиши мумкин. Тарихий, бадий ёки ўзга маданий қиммати ёхуд давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Агар тасарруфдан чиқарилиши учун бошқа шахсинг ёки органнинг розилиги ёхуд рухсатини олиш талаб этиладиган мол-мулк ипотека нарсаи бўлса, бу мол-мулк ипотекаси учун шундай розилик ёки рухсат олиш зарур.

Умумий биргаликдаги мулк (мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидagi улуши белгиланмаган ҳолда) бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг ёзма розилиги билан ипотекага қўйилиши мумкин. Умумий улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидagi ўз улушини бошқа мулкдорларнинг розилигисиз ипотекага қўйиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги шартноманинг ҳуқуқий табиати

ИПОТЕКА муносабатларининг ҳуқуқий шакли сифатида шартнома муҳим ўрин тутди. Шу сабабли қонунда белгиланган шартнома-ларга оид нормалар унинг ҳуқуқий асоси вазифасини баҳарлади.

Қонуннинг ипотека тўғрисидаги шартнома ва ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишга бағишланган нормалари, хусусан, ипотекага олувчи учинчи шахсларнинг ипотека нарсаи бўлган ҳуқуқлари тўғрисида огоҳлантириш, ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишни қамраб олади.

(Давоми кейинги сонда)

Ушбу мақолани ёзишдан мақсадимиз бир ишодкор, журналист сифатида кейинги йилларда кундалик ҳаётимизга, онгу шууримизга тобора кенг кириб бораётган «глобаллашув», «демократия» ва «информацион макон» каби тушунчалар хусусида ўз қараш ва фикр-мулоҳазаларимизни сиз — азиз муштарийлар билан ўртоқлашишдан иборат.

Кўчкор НОРҚОБИЛ

ФИКРИМИЗЧА, глобаллашув бу — давлатлар ва минтақалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг чуқурлашуви. Яъни, дунёда ягона иқтисодий, маданий ва ахборот маконининг шаклланиш жараёнини англатади.

Бир қараганда, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Дунёнинг бирлашувида ахил-иноқлик, умумбашарийлик тушунчаси сингдирилгандай. Бироқ айни пайтда глобаллашув натижасида юзага келиши мумкин бўлган айрим салбий жиҳатлар хусусида ҳам ўйлаб кўришимиз лозим. Бинобарин, глобаллашув миллий давлатчилик тизими кучсизланишига олиб келиши, яъни, муайян давлатнинг миллий ўзига хослиги ва бошқа хусусиятларига таъсир қилиши мумкин. Ғоялар уйғунлиги никоби остидаги глобаллашув сиёсати демократик фундаментализмни келтириб чиқаради. Диний экстримизм — аксил глобаллашувнинг илдиз отиши, халқаро гийҳвандлик савдоси, ягона глобал ахборот макони яратишга уринишлар — глобаллашувнинг ўта хавфли жиҳатлари эканини англашимиз керак.

Албатта, давр тақозоси, жаҳон тараққиёти, бугунги вазиятдан келиб чиқиб глобаллашувдан юз ўгириб бўлмаслигини ахши биламиз. Бироқ унинг бизга зид томонларини ҳам билишимиз, ҳар қандай ғоявий ва сиёсий ўйинларнинг илдизини англаб етишимиз керак. Айни пайтда глобаллашув соябони остида минтақамизга бир қанча хавф-хатарлар кириб келаётгани ҳам бор гап. Шу ўринда глобаллашувнинг ижобий ва салбий таъсири хусусида хинд халқининг севимли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги фикрларини эсламоқ жоиз: «Мен эшик ва деразаларимни доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга ланг очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довулга айланиб ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истайман...»

Кейинги пайтларда айрим хорижлик журналистлар, халқаро нодавлат ташкилотлар вакиллари демократияни ниқоб қилиб, «инсон ҳуқуқлари ҳимоясига» қаттиқ ёпишиб олишмоқда. Энг ажабланишли томони, биз ўзбеклар улар айтаётган «демократия»ни қабул қилолмасак, улар биз-

қачон маълум бир макондан ўзга бир давлатга экспорт қилиб бўлмайди. Агар шундай қилинса, бу ҳол бошқа бир миллат менталитети билан ўйнашиш, ўша миллат эзгу туйғулари, ўй-қарашларини менсимаслик, уларнинг қонқонига сингиб кетган урф-одатларини оёқ ости қилиш билан баробардир. Демократияни ниқоб қилиб, мушакил давлатларнинг ички ишлари-

ман буларни, мана томорқамда авлод-аждодим ўстириб, парваришлаб келаётган узум, олма-анор, ноку нашвати, гилос-олча бор. Бу бош оғриқ дарахтларингизни, нима қилман, зўр бўлса, ўз уйингизга олиб бориб экинг», демайди-ми? Дейди.

Кўшним ҳақ. Шундай эмасми?

Хўш, энди қадим урф-одатлари, ҳаёт тарзига эга бўлган,

трибьюн» ва бошқа халқаро тизимлар, уларнинг Интернет тармоғидаги сайтларини ўз минбарига айлантириб олган десанк, муболага бўлмайди. Бундан ташқари турли хил халқаро нодавлат ташкилотлар ҳам молиявий кўмак илнжиде «дунё сиёсати» саҳнасида фаол иштирок этишга, «инсон ҳуқуқлари поймол қилинмоқда», деган ўта асосиз қарашларни илгари суриб, ўзга миллат ва худудларга демократияни экспорт қилишга жон-жаҳди билан уринмоқда.

Ишончли маълумотларга кўра, Марказий Осиё худудига «демократия»ни ёйишга уриниш замирида сиёсий-иқтисодий манфаатлар, бу худудни назорат остига олишга бўлган уриниш сиёсати ётибди.

Ғарблик экспертларнинг фикрича, Марказий Осиёни назорат остига олиш ушбу минтақага туташ бўлган бошқа худудлар устидан ҳам, жумладан, Каспий ҳавзаси, Жанубий Осиё, Ўқин ва Ўрта Шарқ, Россия, Хитой устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

Демак, гегемонликка даъвогарлар минг бора «демократия-демократия» деб жазава қилмасинлар, улар минтақада ўзларига қулай келади-ган сиёсий режимларни ўрнатишга ҳаракат қилишмоқда. Коса тагида ним коса бор, деб шуни айтадилар.

Минтақада ўз мафкуравий таъсирини ошириш, дунёнинг янги мафкура харитаси муаллифига айланишга ошиққан жаноблар, энг аввало ёшлар, зиёлилар қатламини ўз таъсирига олишга уринмоқда.

2006 йилнинг 1 мартда АҚШ конгресси томонидан «Марказий Осиёда демократия ва инсон ҳуқуқлари Акти» деб номланган ҳужжат имзоланди. Унда Марказий Осиёда демократлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун шу йилдан бошлаб 188 миллион АҚШ доллар миқдорда маблағ ажратилиши назарда тутилган. Бу маблағ Марказий Осиёда гўёки демократияни ёйиш билан шуғулланувчи нодавлат нотихорат ташкилотларни молиялаштиради, инсон ҳуқуқлари «тарибчи»лари»га берилди. Бехудуга бир чақ ҳам сарфламайдиган, сувни кўрмай этик ечмайдиган жанобларнинг миллиондан пулларни ҳавога совурмаслигини аниқ.

Бугун сиёсий манфаат йўлида ҳеч нарсдан тап тортмай ахборот хуружини авж олдираётган сиёсий кучларнинг ҳатти-ҳаракати дунё ахборот уруши исканжасида қолаётганидан далолат бераётти. Бу «уруш» минг бор хаспўшлашга, демократия тушунчаси билан силаб-сийлашга уринмасинлар, барибир нотантилик билан қилинган ишнинг ишқали чиқиб қолаверади. Ёлгон хуружларга ўз вақтида жавоб қайтариш, қатъий ҳулоса ва асослар билан муносабат билдириш эса юртимиз ОАВ вакилларининг миллатпарварлик бурчидир. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқат қад ростлагунча ёлгон дунёни айлиниб чиқайтгани сафсата ва бўхтонларнинг урчишига имкон яратади. Шунга йўл қўймаслигимиз керак.

ЙИРТИҚ ТЎРВАДАГИ УЙДИРМА

**ёхуд ҳақиқат қад ростлагунча ёлгон ярим дунёни
айланиб чиқайтгани хусусида**



**ҲАММА УЧУН
БИР ХИЛ БЎЛГАН, ҲАР
ҚАНДАЙ ДАВЛАТГА БИРДАЙ
МОС КЕЛАДИГАН ДЕМОКРАТИЯ,
ЯЪНИ УНИВЕРСАЛ
ДЕМОКРАТИЯ
МАВЖУД ЭМАС.**

ни эркинлиги чекланган, ўз ҳақ-хуқуқини билмаган, тушунмаганлар деб жар солмоқда. Ваҳоланки, ҳамма учун бир хил бўлган, ҳар қандай давлатга бирдай мос келади-ган демократия, яъни универсал демократиянинг ўзи йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас! Демократия ҳар бир мамлакат ва миллатнинг тарихий илдиэла-

га аралашуш жиноий ҳатти-ҳаракатларга йўл очиб беради, бу эса босқинчилик, кўпорувчиликдан бошқа нарса эмас. Тўғриси айтганда, демократияни турли-туман мақсад-муддаларга хизмат қилишга «мажбурлаш» бу мўътабар сўзнинг мазмун-моҳиятига бирдай мотасадик эмаски, бугун «кимларнингдир ўзига хос демократияси» ҳақида гап борганда кўпчиликнинг энаси қотмоқда.

Фикримнинг бир тасдиғи сифатида қуйидаги мисолни келтириб ўтсам. Дейлик, мен ҳар хил ниҳол кўчатларини

шарқона меҳр-оқибат, иззат-хурмат, ёши улугларни ардоқлашни бошга тож қилишдек ноёб сабоқлар ва фазилатлар қон-қонига сингиб кетган халқимиз нима учун ўз ақидасига тўғри келмайдиган йўл-йўриқларни қабул қилиши керак?

Бугун кимлардир қурол сифатида фойдаланаётган сохта «демократия»ни мен йиртилган, тешик қолга ўхшатаман. Чунки, бизга ёт ғоялар тўлдирилган қопнинг тешигидан ёлгон, иғво, сафсата, халқлар тақдирини четдан туриб ўзгартиришга уринишдек макорона сиёсат қуйқаси тўкилиб бораётганга ўхшайди. Бу ғараз ниятлар билан тўлдирилган қоп эса кимларнингдир, аниқроғи, ташқи кучларнинг манфаатига хизмат қилади. «Демократия»нинг тешик тўрвасидан ахборот хуружлари ҳам тўкилмоқда.

Маълумотларга қараганда, кейинги пайтда турли хил хорижий ОАВ томонидан Ўзбекистонга қарши юзлаб бўхтон мақолалар чоп этилиб хабарлар тарқатилган. Бу ёлгон-эшик хабарларни эса демократия пардаси ортида яшириб турган, фикри-зиркида ўз ғоя ва ташвиқотини ўзгалар онгу шуурига сингдириш мақсадидаги «инсонпарвар демократлар» тарқатаётганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Ахборот хуружини қурол деб билган бундай кучлар «Америка овози», «Би-Би-Си», «Си-Эн-Эн», «Файнанш таймс», «Интернэшнл Херальд

**МАХАТМА ГАНДИ:
«МЕН ЭШИК ВА
ДЕРАЗЛАРИМНИ ДОИМ МАҲКАМ
БЕРКИТИБ ЎТИРА ОЛМАЙМАН, ЧУНКИ
УЙИМГА ТОЗА ҲАВО КИРИБ ТУРИШИ
КЕРАК. ШУ БИЛАН БИРГА ЛАНГ ОЧИЛГАН
ЭШИК ВА
ДЕРАЗЛАРИМДАН КИРАЁТГАН ҲАВО
ДОВУЛГА
АЙЛАНИБ ҲАММАЁҚНИ АҒДАР-ТЎНТАР
ҚИЛИБ
ТАШЛАШИ, ЎЗИМНИ ЭСА ЙИҚИТИБ
ЮБОРИШНИ ҲАМ
ИСТАМАЙМАН...»**

ри, миллий-маърифий, маданий, диний хусусиятларига асосланиши, бу улуг тушунчаларга зид бўлмаслиги лоқим. Янаям аниқроқ айтилган бўлса, демократия зўравонлик билан тикиштирилмаслиги керак. Йўқса, айрим «демократлар» тарғиб қилаётган демократиянинг зўравон ва бузғунчи ғоядан фарқи қолмайди. Демократияни ҳеч

олиб кўшнимнинг ҳовлисига ўтсам-да, уларга «Кўчат олиб келдим, экин шуларни» десам, табиийки, кўшним «Қандай кўчат булар?» деб сўрайди. Мен кўшнимнинг тушига ҳам қирмаган, мева бермайди-дир, манзарали дарахтлар номини айта бошласам, у бундан ҳайрон бўлиши, бу бола эсини еб қўйибди, деб ўйлаши мумкин. «Мен нима қила-

«ЁШЛАРНИ ЙЎЛДАН УРМАНГ!»

Яқинда Россия Федерация Кенгашида ўтказилган парламент тинглови ёшлар ўртасидаги экстремизм муаммосига бағишланди. Тинглов иштирокчилари мамлакат ёшлари орасида экстремизм кайфияти кучайиб бораётганидан ташвиш билдириб, унга қарши курашиш юзасидан амалий таклифлар билдиришди.

ТИНГЛОВДА иштирок этган Россия ички ишлар вазири Александр Чекалиннинг маълум қилишича, айни пайтда мамлакатда экстремистик кайфиятдаги салкам 150 та ёшлар ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ташкилотлар ўн мингга яқин йигит-қизларни бирлаштиради. Дарҳақиқат, бу-

гун экстремистик гуруҳларга алоқадор шахсларнинг қарийб 80 фоизи ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани мавжуд хавотирларни кучайтиради.

Шу билан бирга, Россия ҳудудида хориждан туриб молиялаштирилаётган ва мафкуравий бошқариладиган 80 га яқин халқаро экстремистик гуруҳ ва ташкилотлар фаолият олиб бора-



ётгани таъкидланди.

Россия Бош прокуратураси ҳисоботида қайд этилишича, мамлакатда бу йил экстремистик йўналишдаги жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан 84 фоизга ошган. Вояга етмаганлар томонидан шахсга қарши қаратилган жиноят-

лар кўпинча ирқий, миллий ва диний адолат сабабларига кўра содир этиляпти. Шунингдек, хорижлик фуқароларга нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам

мистик ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона базасини ташкил этишга киришган. Базага экстремистик йўналишдаги маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, уларнинг фаол аъзолари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари фикрича, ёшлар ўртасидаги экстремизмга қарши курашиш жараёнида мазкур йўналишдаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бу борада улар томонидан экстремизмни оғир жиноят сифатида малакалаш ва амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда.

Ёшлар ўртасидаги экстремизмга қарши кураш билан боғлиқ чора-тадбирлар доирасида лингвистик марказлар ташкил

этиш таклифи ҳам илгари сурилмоқда. Бундай марказларда хориждан келтирилаётган диний адабиётлардаги мавжуд конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган даъватларни аниқлаш мақсадида улар таҳлилдан ўтказилади.

Тингловда Федерация Кенгаши раиси Сергей Миронов давлатнинг ёшлар олдидаги вазифалари, жумладан, иш ўринларида улар таҳлилдан ўтказилади. Тингловда Федерация Кенгаши раиси Сергей Миронов давлатнинг ёшлар олдидаги вазифалари, жумладан, иш ўринларида улар таҳлилдан ўтказилади. Тингловда Федерация Кенгаши раиси Сергей Миронов давлатнинг ёшлар олдидаги вазифалари, жумладан, иш ўринларида улар таҳлилдан ўтказилади.

ҚОЗОҚ ТИЛИ ЛОТИН АЛИФБОСИГА ЎТМОҚДА

Newsru.Com сайтида хабар беришича, Қозоғистон ҳукумати қозоқ тили ривожини кўзда тутувчи давлат сиёсатини такомиллаштириш ва қозоқ тилини лотин алифбосига ўтказишни муҳокама этди ва бу борада тегишли қарор қабул қилди.

«МУҲОКАМАЛАР давомида мамлакатда давлат тили ривожини кўзда тутадиган йўналишлар ишлаб чиқилди», — деб хабар қилган вазирлар маҳкамаси мажлиси якуналари бўйича республика Бош вазири.

Тарқатилган хабарга мувофиқ, ҳукумат комиссияси аъзолари ва экспертлар лотин алифбосига ўтишда Туркия, Ўзбекистон ва Озарбайжон тажрибасини ўрганиб чиқишлари керак.



ТОЖИКИСТОНДА «БАЙАТ»ЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Interfax-religion.ru сайти тарқатган хабарга кўра, 26 октябрь куни Тожикистонда «Байат» экстремистик ташкилотининг олти нафар аъзоси қўлга олинган. Мазкур ташкилотнинг яна йигирма нафар аъзосига нисбатан қидирув эълон қилинган.

Тожикистон Ички ишлар вазири «Байат»ни мамлакат шимолида баптист руҳонийни ўлдирганликда айблаган.

Айни пайтгача мазкур экстремистик ташкилотнинг йигирма нафар аъзоси қўлга олинган ва жазога маҳкум этилган. «Байат» аъзолари жанговор тайёргарлик ўтовчи ероти бункерлари аниқланганидан сўнг қўлга олинди.

«Коммерсант»нинг ёзишича, 2007 йилдан бошлаб Озарбайжон радиостанцияларида «Озодлик», «Америка овози» ва «Би-Би-Си» эшиттиришларини ретрансляция қилиш тақиқланади. Бу ҳақда телерадиоэшиттиришлар миллий кенгаши раҳбари Нуширрин Махаррамов маълум қилган.



ОЗАРБАЙЖОН РАДИОСТАНЦИЯЛАРИДА ТОЗАЛАШ

МАХАРРАМОВ олдинроқ ўзига бириктирилган соҳада тартиб ўрнатиш билан боғлиқ режаларга тўхталиб, сўз республикада хорижий эшиттиришларни тўлиқ тақиқлаш тўғрисида бормаётганини таъкидлаган эди.

Махаррамовнинг сўзларига қараганда, юқорида зикр этилган радиостанциялар Озарбайжонда ўз частоталарида эшиттиришлар олиб боришдан

ташқари маҳаллий станциялар орқали ҳам эфирга чиқмоқдалар. Бу эса қонунга хилофдир.

Мулозим сўзларига аниқлик киритиб, хорижий радиостанциялар иштаган тақдирда яна бир частота ажратиш мумкинлигини, лекин улар бошқа станциялар эфирдан фақатгина реклама сифатида фойдаланишига ҳақли эканини айтган.

АҚШ ТАРИХИДА ЭНГ ҚИММАТ САЙЛОВЛАР

Аввал хабар қилинганидек, 7 ноябрда АҚШ Конгрессида оралиқ сайловлар ўтказилди. Шу куни америкаликлар 435 нафар конгрессмен ва 33 нафар сенаторни сайлаб олиши керак.

МАЗКУР сайловлар Қўшма Штатлар тарихидаги энг қиммат оралиқ парламент сайловлари бўлади. Бу тўғрида Center for Responsive Politics мустақил тадқиқот олиб борувчи ташкилот экспертлари маълум қилишди.


Center for Responsive Politics маълумотларига кўра, сайловолди кампаниясида номзод сифатида иштирок этувчиларнинг сарф-харажатлари 2,6 миллиард доллардан ортиқроқ миқдорни ташкил этмоқда. Бу 2002 йилга нисбатан 18 фоиз кўп демакдир.

Center for Responsive Politics ҳисоб-китобларига қараганда, АҚШ республикачилар партиясидан Конгресснинг ҳар икки палатасидаги ўринларга кўрсатилаётган номзодлар сайлов кампанияси даврида 1,4 миллиард доллар сарфлашса, уларнинг рақиблири бўлмиш демократлар 1,2 миллиард доллар миқдориди харажат қилишди.

Спорт

ГАЛАБАГА ИШОНЧ КАТТА

Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Осиё ўйинлари мусобақалари Осиё спортида муҳим ўрин тутади. Қитъанинг деярли барча спортчиси мазкур спорт ўйинларида иштирок этишни ўзи ва Ватани учун шараф деб билади.



ШУ йил 1-15 декабр кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида навбатдаги XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари спортнинг 31 та тури бўйича беллашадилар.

Терма жамоамиз бундан тўрт йил олдин Пусан шаҳрида ташкил этилган Осиё ўйинларида 15 та олтин, 12 та кумуш ва 24 та бронза медалини қўлга киритган эди. Демак, вакилларимиздан Дохада бундан-да юқори юксак натижалар кутишга

ҳақлимиз. Чунки, шу давргача турли халқаро турнирларда, ўқув-йигин машгулотларида чиниққан ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаган спортчиларимиз мусобақаларда қатъий ишонч ва ирода билан қатнашишлари, табиий.

Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Дохага Ўзбекистондан жами 340 нафар делегация (расмий шахслар, спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари) парвоз қилади.

Пойтахтимиздаги «Шанхай» ресторанида ўтказилган матбуот анжумани «Ўзбекитуризм» миллий компанияси ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Марказий телевидениеси ҳамкорлигида ташкил этилган автопойгага бағишланди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САРҲАДЛАРИ БЎЙЛАБ

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

15 ОКТАБРДА ХХРнинг Сиянь шаҳридан бошланган Хитой-Ҳиндистон йўналишидаги мазкур автопойга қадимий ва машҳур Буюк Ипак йўлларининг шарқий сарҳадлари бўйлаб ҳаракатланиб, 1 ноябрь куни пойтахтимизга етиб келди. Автопойганинг асосий таркибини 30 нафардан ортиқ хитойлик пойгачилар ташкил этган. Иштирокчилар орасида олимлар, тарихчилар, спортчилар, журналистлар ҳамда моҳир ҳайдовчилар бор. Айни пайтда автопойга қатнашчилари мамлакатимизнинг меъморий обидалар ва асори атиқаларга бой шаҳарлари бўйлаб ҳаракат қилиб, эртага Термиз шаҳри орқали Афғонистон ҳудудига ўтиши мўлжалланмоқда. Кейинги йўналишда қатнашчилар Покистон, Непал давлатларида бўлиб, ниҳоят Ҳиндистон сари юзланадилар. Умумий масофа 11 минг километрдан ортиқ.



Автопойгадан кўзланган асосий мақсад Буюк Ипак йўллари қайта кашф этиш, давлатларнинг маданий мероси ва қадриятлари билан танишиш, қолаверса, туризмни ривожлантиришдан иборат.

УЙҚУ ДОРНИНГ ЗЎРИ

Биласизми?

Бир қарашда инсонни қийнаётган уйқусизлик билан у истеъмом қилаётган озиқ-овқатлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдек.

Аслида тинч ва яхши ухлаш кўп нарсага, шу жумладан овқатланишга ҳам боғлиқ. Тўғри танланган озиқ-овқат маҳсулотлари уйқусизликни енгишда энг зўр дорилардан кўра яхшироқ самара беради, десак ишонаверинг.

Дилфуза ЎРОЛ қизи

УЙҚУСИЗЛИК сиз учун одатдаги ҳолга айланиб қолган бўлса, истеъмом қилаётган таомларингизни қайта кўриб чиққанингиз маъқул. Биринчи галда турли сабзавот ва меваларни кўпроқ ейиш керак. Қадимги Рим табиблари уйқусизликдан нолиб мурожаат этган беморларга қарам ейишни тавсия этишган. Шунингдек, сабзи, турли салатлар, дуккаклилар ҳам уйқу бузилишини олдини олишда яхши самара беради. Ошқовоқ ҳам тинчлантирувчи хусусиятга эга. Аммо у янги сиқиб олинган шарбат ҳолида кўпроқ фойдалидир.

Сабзавотлардан тайёрланган салатларга кўп микдорда кўкатлар қўшиш керак. Чунки уларнинг таркибида тинчлантирувчи эфир мойлари бисёр.

Шивит, кашнич, кўк пиёз шулар жумласидандир. Аксарият табиблар уйқусизликда пиёзга алоҳида урғу беришади ва



уни қанча кўп истеъмом қилинса, шунча фойдали эканини таъкидлашади.

Турли мева ва резаворларни ҳам уйқуни яхшилаш учун ишлатса бўлади. Бу борада банан, ертут, шафтоли, нок, олма, олхўрига тенг келадигани йўқ. Агар сиз оч қоринга ухлай олмасангиз, уйқуга ётишдан ярим соат олдин мана шу мевалардан бирортасидан озроқ енг. Бу бир томондан қонга тинчлантирувчи моддалар, хусусан, магний тушишини таъминласа, иккинчи томондан қондаги қанд микдори ни ошириб, очлик ҳиссини йўқотади.

ОБУНА — 2007

“Жамият” — Сизнинг газетангиз!

Азиз муштарийлар!

Халқимизда “Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Демокчи-мизки, қисқа фурсат ичида бир-биримизни анчамунча таниб, билиб олишга улгурдик. Янги нашрнинг мақсад ва муддаолари билан ҳам яқиндан танишдингиз. Кўнглингизда “Жамият” ҳаммабоп газета эканлигига ишонч учқунлари пайдо бўлганини сезиб турибмиз. Бизнинг мақсадимиз — Сизлардаги ана шу ишончни мустаҳкамлаш, газетани том маънода, сеvimли нашрингизга айлантиришдир!

“Жамият” бошқа нашрлардан нимаси билан фарқланади, деган савол туғилиши, табиий. Энг аввало, у теварак-атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаб олиш, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, шу билан бирга, унинг фаол иштирокчиси бўлишингизга яқиндан кўмаклашади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаймиз: “Жамият” — Сизнинг газетангиз! Унга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси — 131

МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат-ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Нигматилла АБДУЛЛАЕВ
Шарбат АБДУЛЛАЕВА
Раъно ЗАРИПОВА
Худоёр МАМАТОВ
Гулнора МАРУФОВА
Қиём НАЗАРОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБАЕВ
Шоира УМАРОВА
Маъруфжон УСМОНОВ
Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Баҳодир ЭРГАШЕВ
Соҳибжон ҚОБИЛОВ

Қахрамон ҚУРОНБОЕВ
Бехўзд ХОТАМОВ

БОШ МУҲАРРИР

Сирождидин РАУПОВ

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Норбобо ШАКАРОВ

ДИЗАЙНЕР

Ақбар ИСМАИЛОВ

МУСАҲҲИҲ

Аслиддин САТТОРОВ

НАВБАТЧИ

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-1379 Тираж: 2000
Газета “Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 503-рақам билан рўйхатга олинган.
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳуҳуси 45 уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта: jamiyat@mail.ru
“Жамият” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топшириш вақти: 00.30